

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

З.С. Сирлибоева, С.Р. Сайдова

## ГИДРОЛОГИК ҲИСОБЛАШЛАР

Тошкент-2004

Ушбу қўлланма «Гидрометеорология» йўналиши базасида «Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё», «Кўл ва сув ҳавзалари гидрологияси», «Сув ресурслари муҳофазаси ва улардан самарали файдаланиш», «Гидрокимё», «Сугориладиган ҳудудлар гидрологияси ва сув хўжалиги иқтисодиёти», «Гляциология ва қор қоплами мониторинги» мутахассислари бўйича таҳсил олаётган магистрантлар учун мўлжалланган.

Қўлланмада дарё оқимининг йил давомида тақсимланишини баҳолаш, тўлин сув даври элементларини, максимал ва минимал сув сарфларини аниқлаш ва ҳисоблаш масалалари ёритилган.

Маъсул мухаррир: Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ  
География факультети декани,  
доцент Р.Й. Маҳамадалиев

Тақризчилар: Тошкент Давлат Автомобил  
йўллари институтининг профессори, т.ф.д. А. Шохидов.

Ўзбекистон Миллий университети  
География факультети, Қуруқлик  
гидрологияси кафедраси мудири  
г.ф.д., проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети Илмий кенгашининг қарорига мувофиқ  
нашрга тавсия этилган.

## СҮЗ БОШИ

«Гидрометеорология» йўналиши базасида «Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё», «Кўл ва сув ҳавзалари гидрологияси», «Сув ресурслари муҳофазаси ва улардан самарали файдаланиш», «Гидрокимё», «Суфориладиган ҳудудлар гидрологияси ва сув хўжалиги иқтисодиёти», «Гляциология ва қор қоплами мониторинги» бўйича магистрлар тайёрлашда «Гидрологик ҳисоблашлар» курси асосий фанлардан ҳисобланади. Лекин шунга қарамасдан ҳозирги кунга қадар ушбу фан бўйича ўзбек тилида талабалар учун мўлжалланган ўқув адабиётлари етарли эмас.

Ушбу қўлланмада оқимнинг йил давомида, яъни ойлар ва мавсумлараро тақсимланиши, тўлин сув даври элементлари ва оқимини, максимал ва минимал сув сарфларини ҳисоблаш усуллари гидрологик маълумотлар етарлича бўлган, қисқа қатор ва маълумотлар умуман бўлмаган ҳолатлар учун ёритилган

Барча амалий машғулотларни бажаришда, ўлкамизнинг табиий – географик ҳамда гидрологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳисоблашларни Ўрта Осиё дарёлари мисолида амалга оширишга ҳаракат қилдик. Ҳисоблашларда зарур бўлган маълумотлар ЎзР Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Бопгидромет ҳамда ЎзМУ Қуруқлик гидрологияси кафедрасининг гидрометфондидан олинди. Маълумотларни тўплашда кўрсатган ёрдамлари учун фонд ходимларига миннатдорчилик билдирамиз.

Мазкур қўлланмани тайёрлашда кўрсатган ёрдами учун Қуруқлик гидрологияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Ф.Х Юнусовга ва магистрант А.Д. Ҳусанжоновга миннатдорчилик билдирамиз. Қўлланманинг мазмуни ва мундарижаси бўйича билдирган фикрлари ва илмий маслаҳатлари учун география фанлари доктори, профессор Ф.Ҳ.Ҳикматовга ташаккур изҳор этамиз.

Ушбу қўлланма ҳақида мутахассислар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиласиз.

## I. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1.1. Курснинг мақсади, вазифалари ва қисқача ривожланиш тарихи

"Гидрологик ҳисоблашлар" курси гидрометеорология йўналиши бўйича асосий фанлардан бири бўлиб, унинг бўлғуси мутахассисларнинг илмий, ишлаб чиқариш, илмий–тадқиқот ва ташкилий–бошқарув фаолиятларида аҳамияти катта. Гидрометеорология ва сув хўжалиги тизимида "Гидрологик ҳисоблашлар" техник–иқтисодий асослашнинг замини бўлиб ҳисобланади. Мавзуда асосий эътибор курснинг мақсади, вазифалари ва ривожланиш тарихини ёритишга қаратиласди.

"Гидрологик ҳисоблашлар" курсининг **мақсади** дарё оқимининг ҳосил бўлиш жараёни назарий асосларини ҳамда оқимнинг макон ва майдон бўйича тақсимланишининг географик қонуниятларини, дарё оқимининг турли элементларини ҳисоблаш усусларини ўрганишдан иборат.

Мазкур фаннинг тўлиқ номи "Дарё оқими ва гидрологик ҳисоблашлар" деб аталади. Дарё оқимини ҳисоблаш усусларини ўрганиш **тарихи** шуни кўрсатадики, унинг ривожланиши халқ хўжалиги талаблари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда рўй беради.

XVIII аср мобайнида дарё оқимининг ҳосил бўлиш жараёнини ўрганиш жуда аста–секин ривожланади ва гидрологиянинг бошқа йўналишларининг ривожланишидан орқада қолиб келган. Бу ҳақда А.И.Воейков 1884 йили ўзининг машҳур "Климаты земного шара, в особенности России" асарида... оқаётган сувнинг, ҳатто ер шарида йирик ҳисобланган дарёлар бўйича ҳам, оқими ҳақида етарли даражада аниқ маълумотлар йўқ" деб ёзади.

А.И.Воейковнинг мазкур асарида"... дарёлар иқлимининг маҳсули, қайси жойда ёғин – сочин кўп ёғиб, буғланишга сарфланган намлик кам бўлса, шу ернинг дарёлари серсув бўлади" деган фикри ҳозир ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган.

XIX асрнинг охирига бориб, Фарбий Европанинг алоҳида дарё ҳавзалари бўйича оқим ва ёғин – сочин ҳақида маълумотлар тўплланганлиги сабабли, тадқиқот ишлари кўпая бошланди. Уларга А.Пенкнинг Дунай дарёси, Рихтер ва

Шрайберларнинг Элба дарёси бўйича олиб борган изланишлари мисол бўла олади.

А.Пенкнинг шу даврда нашр қилинган "Исследования по вопросам испарения и стока с больших бассейнов" илмий иши бу борада умумлаштирувчи изланишлар қаторига киради.

Э.М.Ольдекопнинг "Об испарении с поверхности речных бассейнов" асари фундаментал характерга эга бўлиб, ҳанузгача ўз қадрини йўқотмаган. Бу ишда Фарбий Европанинг қатор дарё ҳавзалари бўйича иқлим ва бошқа табиий – географик олимларнинг буғланиш ва оқимга таъсири ўрганилиб, улар орасидаги боғланиш формула орқали ёритилган.

ХХ асрнинг бошларида дарё оқими ва уни белгиловчи омилларни ўргангандан гидролог олимлар қаторига Д.И.Кочерин, Е.А.Гейц, Н.Н.Соколов, Н.Е.Долгованинг изланишларини эслатиб ўтиш жоиздир.

1919 йилда ташкил топган ДГИ (Давлат Гидрология институти) гидрологик тадқиқот ишларини маҳсус режа бўйича олиб борилишига, фаннинг янада ривож топишига асос бўлди. 1937 йилда Б.Д.Зайков ва Ю.С.Блинковлар томонидан 1280 та сув ўлчаш пунктларининг маълумотлари асосида 1:5000000 масштабли оқим хариталари нашр қилинди. ДГИ да нашр қилинган охирги оқим хариталари Б.Д.Зайков ва К.П.Воскресенский томонидан 5690 сув ўлчаш пунктларининг маълумотлари асосида тузилган.

1930 йилда Д.Л.Соколовскийнинг "Применение кривых распределения к установлению вероятных колебаний годового стока рек ЕЧР" асарида математик статистиканинг гидрологик ҳисоблашлар жараёнида ишлатилиши келтирилган.

Гидрологик ва сув хўжалиги ҳисоблашларида математик статистика назариясидан кенг кўламда фойдаланишни С.Н.Крицкий ва М.Ф.Менкеллар ўзларининг қатор ишларида ёритиб ўтганлар. Марказий Осиёдаги сув ҳавзаларида гидрологик кузатишлар 1910 йилдан бошлаб мунтазам равишда олиб борила бошланганлиги Э.М.Ольдекоп, А.К.Давыдов, В.Г. Глушковларнинг гидрология соҳасида илмий асарларининг чоп этилишига асос бўлди.

Кейинги йилларда олиб борилган гидрологик изланишлар Марқазий Осиёда йирик миқёсдаги сув хұжалиғи тадбирларининг лойиҳаларини тузиш имконини берди. Бунда шу соҳанинг йирик олимлари Р.А.Алимов, В.Л.Шульц, А.М.Мұхамедов, О.П.Щеглова, А.З.Зоҳидов, Ю.М.Денисов, Ф.Э.Рубинова, Н.Р.Ҳамроевларнинг хизматтарини алоҳида таъкидлаш зарур.

Гидрологик ҳисоблашларнинг амалий аҳамияти ниҳоятда катта. Сув хұжалиғи тизимида түрли хил гидротехник иншоотларни лойиҳалаштириша сув обьектининг гидрологик шароити, гидрологик күрсаткичларнинг миқдорлари (жумладан, сувнинг максимал миқдорлари) ҳисобга олинади. Бу саволларга жавобларни гидрологик ҳисоблашларсиз топиб бўлмайди.

Гидрологик ҳисоблашлар фанининг **вазифалари** қуйидагилардан иборат:

1) дарё оқимини ҳисоблаш (оқим меъерини, йиллик оқимнинг ўзгарувчанлиги ва йилдан – йилга тебранишини, оқимнинг йил ичида тақсимланишини, максимал ва минимал сув сарфларини, тошқин ва тўлин сув даври оқимларини аниқлашдан иборат);

2) сув обьектларининг гидрометеорологик характеристикаларини ҳисоблаш (ёғин – сочин миқдорини, сув юзасидан рўй берадиган буғланиш миқдорини ва ҳоказоларни аниқлашдан иборат);

3) оқизиқлар миқдорини ҳисоблаш ва ўзан жараёнини ўрганиш (оқиб ўтган оқизиқлар миқдорини, оқизиқларнинг дарё ва сув омборлари ўзанида чўкиши, қирғоқ ювилиши кабиларни ҳисоблаш);

4) сув массалари динамикасини ҳисоблаш (тўлқинланиш баландлиги, тўлқиннинг элементларини, кўл ва сув омборларида рўй берадиган оқим жараёнларини ҳисоблаш ишлари);

5) ҳарорат режими кўрсаткичларини ҳисоблаш (сув обьектларининг музлик билан қопланиши ва ундан тозаланиши, қор эриш жараёнини, сув ҳароратини аниқлаш);

6) гидрокимёвий кўрсаткичларни ҳисоблаш (сувларнинг минераллашувини, уларнинг ўзгарувчанлиги каби масалаларни аниқлаш);

Юқорида көлтирилған гидрологик ҳисоблашлар вазифаларидан оқим ва муаллақ оқизиқлар оқими тавсифларини ҳисоблаш асосий йұналишни ташкыл қылади.

Уларнинг миқдор күрсаткичлари оқим тавсифлари деб юритилади: сув сарфи,  $Q$  ( $\text{м}^3 / \text{с}, \text{л}/\text{с}$ ); оқим ҳажми,  $W(\text{м}^3, \text{км}^3)$ ; оқим модули,  $M$  ёки  $q$  ( $\text{л}/\text{сек км}^2$ ); оқим қалинлиги,  $h$  (мм); сув сатқи,  $H$  (см); оқизиқлар сарфи,  $R$  ( $\text{кг}/\text{с}, \text{г}/\text{сек}$ ); оқизиқлар ҳажми,  $W_R$  (тонн, м); ювилиш модули,  $M$  ( $\text{т}/\text{км}$ ); ювилиш қалинлиги,  $h$  (мм).

### **Синон саволлари:**

1. "Гидрологик ҳисоблашлар" фанининг мақсади нимадан иборат?
2. "Гидрологик ҳисоблашлар" фанининг ривожланиш босқичларини эсланг.
3. Марказий Осиёда гидрология фанининг ривожланишига ҳисса күшганд олимларни айтинг.
4. "Гидрологик ҳисоблашлар" фанининг вазифалари нималардан иборат?
5. Гидротехник иншоотлар (тұғонлар, күпrikлар, каналлар) лойиҳасини тузищда гидрологик ҳисоблашларнинг ажамияти нимада?

## **1.2. Дарё оқимининг ҳосил бўлишини белгиловчи омиллар**

Дарё оқими ёмғир сувлари ҳамда тоғлардаги қор ва музликнинг эриши ҳисобига ҳосил бўлади. Ҳар иккى ҳолда ҳам ҳосил бўлган сувнинг бир қисми буғланади, фақат қолган қисмигина оқимнинг ҳосил бўлишида штирок этади. Ёмғирнинг ёғиши ёки қор ва музликларнинг эриши жадаллиги, ер остига шимилиши ҳамда буғланишнинг биргаликдаги жадаллигидан китта бўлганагина оқим ҳосил бўлади.

Дарё оқимининг ҳосил бўлиши жуда мураккаб жараён бўлиб, унинг ҳосил бўлишига қуйидаги табиий – географик омиллар таъсир этади:

1. Ҳавзанинг иқлим шароити;
2. Ҳавзанинг рельефи;

3. Ҳавзанинг тұпроқ шароити;
4. Ҳавзанинг үсімлік қоллами;
5. Ҳавзанинг геологик тузулиши;
6. Ҳавзада күллар, ботқоқликлар ва музликларнинг мавжуддиги.

Санаб ўтилған омиллар, фақат оқимнинг ҳосил бўлиши ва унинг умумий миқдорига таъсир кўрсатибгина қолмайди. Бу омиллар дарё оқимининг йил ичида ва шунингдек ҳудудлар бўйлаб тақсимланишига ҳам таъсир қиласди.

У ёки бу омилнинг дарё оқимига бўлган таъсирини алоҳида ажратиб кўрсатиш ва уни текшириш жуда қийин вазифадир. Чунки бу омилларнинг ҳаммаси биргаликда ҳаракат қиласди, кўпчилик ҳолларда эса бир – бирлари билан боғлангандир.

Иқлимий омилларнинг оқим ҳосил бўлишига таъсири.

Маълумки, **иқлимий омиллар** деганда атмосфера ёғинлари, ҳавонинг ҳарорати, ҳаво наамлиги, шамол кабилар тушунилади. Шу омиллардан қайси бирининг оқимга ҳал этувчи ва бевоста таъсир этишини билиш учун дарё ҳавзасининг сув мувозанати тенгламасига мурожат этайлик. Маълумки, у қуйидаги кўринишга эга:

$$X_0 = Y_0 + Z_0 \quad \text{ёки} \quad Y_0 = X_0 - Z_0$$

бу ерда:  $X_0$  – ҳавзага ёғадиган ўртача кўп йиллик ёғин миқдори,  $Z_0$  – ҳавзада бўладиган буғланишининг ўртача кўп йиллик миқдори,  $Y_0$  – дарё оқимининг ўртача кўп йиллик миқдори.

Шу тенгламалардан кўриниб турибдики, иқлимининг дарё оқимига таъсир этувчи асосий элементлари атмосфера ёғинлари ва буғланишдир.

Бир хил табиий шароитда дарё ҳавзасига қанча кўп ёғин ёғса, оқим шунча кўп миқдорда ҳосил бўлади. Улар орасидаги боғлиқликни аналитик кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y_0 = f(X_0).$$

Бирок бу боғлиқлик ҳамма вақт ҳам бўлавермайди. Чунки оқим миқдорига фақат ёғиннинг оз ва кўп бўлиши таъсир кўрсатибгина қолмасдан, балки унинг йил ичида тақсимланиши ҳарактери ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, ёғиннинг кўп қисми йилнинг совуқ давриларида ёғса, у вақтда унинг анча қисми оқим сифатида дарёга келиб

иўшилади, яъни дарё оқими билан ёғин ўртасида етарли даражада боғлиқлик бўлади. Агар ёғиннинг асосий қисми йилнинг иссиқ фаслларида ёғса, у вақтда ёғиннинг катта қисми буғланишга ва ер остига шимилишга сарф бўлади. Ёғиннинг қолган қисмигина оқимни ҳосил бўлишида қатнашади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, дарё оқимига бевосита таъсир кўрсагувчи иккинчи иқлимий омил – бу **буғланишдир**. Бу ерда шу нарсани ҳисобга олиш зарурки, буғланиш ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиш билан бирга у маълум даражада ёғин миқдорига ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида айтилганлардан шундай ҳулоса чиқадики, дарё оқимининг асосий иқлимий омилларидан бўлган ёғин ва буғланишни алоҳида текшириб бўлмас экан. Ҳудди шу каби оқим ҳосил бўлишида қолган иқлимий омиллар (ҳаво намлиги, шамол ва бошқалар) ҳам бир – бирига боғлиқ ҳолда доимий таъсир этиб туради.

Дарё ҳавзаси рельефининг оқим ҳосил бўлишига таъсири.

Дарё оқимининг ҳосил бўлишига ҳавза рельефи бевосита ва билвосита таъсир этиши мумкин. Рельефининг оқимга бевосита таъсири ҳавзанинг нишаблиги орқали ифодаланаади. Агар ҳавзанинг нишаблиги катта бўлса, оқим жадал суратда ҳосил бўлиб, унинг дарё ўзанига оқиб келиш зақти қисқаради. Шу билан бирга ер остига шимилиш ва буғланишга ҳам кам миқдорда миқдорда сув сарфланади. Ҳавзанинг, ёнбағирларининг нишаблиги нисбатан кичик бўлгандан эса юқорида баён қилинганларнинг акси кузатилади.

Ҳавза рельефининг оқим ҳосил бўлишига билвосита таъсири жуда каттадир. Бу таъсир сув мувозанатининг асосий элементлари бўлган ёғин – сочин, буғланиш. ер остига шимилиш ва ҳавзада тўпланадиган сув миқдори орқали сезилади.

Сув мувозанати элементларига ва улар орқали дарё оқимига баландлик минтақалари жуда катта таъсир кўрсатади. Ортиқча ва етарли даражадаги намликка эга бўлган текислик ҳудудларида баландликнинг унча катта бўлмаган ўзгариши ҳам ёғии миқдорига ва дарё оқимига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, Валдай тепаликларида

(денгиз сатқидан 200 – 300 м) йиллик ёғин миқдори 700мм га етса, у билан ёнма – ён жойлашған худудларда 550мм ёғин ёғади.

Тоғли худудларда дарё ҳавзасининг сув мувозанати элементлари баландлык бүйича кескин ўзгаради. Йиллик ёғин миқдори (тоғ тизимининг ўрнига боғлиқ ҳолда) маълум баландликкача ортиб боради, шундан сўнг баландлык ортиб бориши билан ёғин миқдори камая боради. Масалан, Илиорти Олатовининг шимолий ён бағирларида ёғин миқдори 2250м баландликкача ортса, Жунғор Олатовида бу баландлик 3200 – 3400м ни ташкил этади.

Ёғин миқдорига ёнбағирларнинг нам ҳаво оқими йўналишига нисбатан жойлашиши катта таъсир кўрсатади. Масалан, Хисор тоғ тизмасининг жануби – фарбий ён бағирларига йилига 1500 – 2000мм ёғин ёғса, Помир тоғининг ички ҳудудларида йиллик ёғин миқдори атиги 400 – 600 мм ни ташкил этади.

Баландликнинг ортиши ёғин турига ҳам таъсир этади, баландликка мос равишда ёғиннинг умумий миқдорига нисбатан қорнинг ҳиссаси ортиб боради. Бу эса ўз навбатида оқим коэффициентининг ўсишига олиб келади.

Умуман тоғли ўлкаларнинг гидрологик шароитида рельефнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Рельеф гидрологик ходисаларга, шу жумладан оқим ҳосил бўлиш жараёнинга кўпинча бевосита эмас, балки табиий – географик, айниқса, иқлимий омиллар бўрқали таъсир этади.

Тупроқ қопламишининг оқим ҳосил бўлишига таъсири

Ҳар қандай дарё ҳавзаси юзасининг маълум қисми тупроқ билан қопланган бўлади. Тупроқ қопламишининг оқим ҳосил бўлишига таъсири унинг сув шимилиш ва шимилган сувни ўзида ушлаб турла олиш имконияти билан характерланади. Тупроқ қопламишининг шу хусусиятига боғлиқ ҳолда ер ости ва юза оқимлар миқдори ҳам турлича бўлади.

Тупроқ қопламишининг сув шимиш қобилияти, унинг табиий – механик ва табиий – кимёвий хусусиятларига боғлиқдир. Тупроқ заррачаларининг ўлчамлари қанча катта бўлса, у шунча кўп миқдордаги сувни шимади. Масалан, қумли тупроқ, лой тупроқча нисбатан 5 – 10 марта кўп сувни шимади. Натижада биринчи турдаги тупроқлар кўп

гарқалган ҳавзаларда дарё оқимининг асосий қисмини ер ёсти сувлари ташкил этади.

Тупроқ қопламининг оқимининг ҳосил бўлишига таъсири ҳақида гап кетганда ҳавзадаги ҳайдалган ерлар майдонларига ҳам эътибор бериш керак. Айрим кузатишлар ва илмий гадқиқот ишлари натижаларининг кўрсатишича ҳайдалган ерларда ҳайдалмаган майдонга нисбатан оқим 40–80% миқдорда кам ҳосил бўлади.

Ўсимлик қопламининг оқим ҳосил бўлишига таъсири.

Дарё ҳавзасидаги ўсимлик қопламининг оқим ҳосил бўлишига таъсири қўйидағи кўринишларда ўз ифодасини топади:

1) ўсимлик қоплами атмосфера ёғинларининг бир қисмини ўзида ушлаб қолади ва бу билан ёғиннинг янада кўпроқ қисмининг буғланишига имкон беради.;

2) ўсимлик қоплами илдизлари ёрдамида доимий равишда тупроқдан маълум миқдордаги намликни олиб, ўз танаси орқали буғлатиб туради (транспирация);

3) ўсимлик қоплами ўз танаси билан тупроқ юзасини тўсади, уни исиб кетишига йўл қўймайди ва натижада буғланиш миқдорини камайтиради;

4) ўсимлик қоплами ер юзаси ғадир – будирлигини орттиради, бу эса юзада сувнинг оқиш тезлигини камайтириб, кўп миқдордаги сувнинг ер остига шимилишига имкон беради;

5) ўсимлик қоплами, айниқса ўрмонлар ер сиртидаги қорнинг эришини секинлаштиради ва бу билан ер остига шимилишин кучайтиради;

6) ўсимлик қоплами тупроқнинг табиий ҳусусиятларини кескин ўзгартириб юборади;

7) айрим олимларнинг кузатишича ўрмон билан қопланган майдонларда ён атрофга нисбатан ёғин миқдори кўпроқ бўлади.

Демак, ўсимлик қопламининг оқим ҳосил бўлишига таъсири ёғин, буғланиш, ер остига шимилиш миқдориниг ўзгаришида сезилади.

Юқорида санааб ўтилганлардан кўриниб турибдики, ўсимлик қоплами айрим ҳолларда оқимнинг кўпайишига сабаб бўлса, айрим ҳолларда эса бунинг аксидир.

Дарё ҳавзаси геологик тузилишининг оқим ҳосил бўлишига таъсири.

Дарёлар тўйинишида иштирок этадиган ер ости сувларининг тўпланиши ва сарфланиши шароити ҳавзанинг геологик тузилишига боғлиқдир. Шу билан бир қаторда тоғ жинсларининг **литологик таркиби**, сув ўтказмас қатламларнинг жойлашиш чуқурлиги оқим ҳосил бўлишига, унинг миқдорига ҳамда йил ичида тақсимланишига таъсир этадиган жиддий омиллардан ҳисобланади.

Маълумки, сувни яхши ўтказадиган тоғ жинсларидан иборат қатламлар кўп миқдордаги сувни ўзига шимиб олади. Бундай шароитда улар **нам тўплагичлар вазифасини ўтаб, йил давомида дарёларнинг ер ости сувлари билан текис тўйинишини таъминлайди**.

Карст ҳодисалари кенг тарқалган ҳудудларда дарё ҳавзаси геологик тузилишининг оқим ҳосил бўлишига таъсири янада яққол сезилади. Бундай майдонларда дарёлар деярли учрамайди, чунки ёғиннинг асосий қисми ер остига шимилиб, натижада юза оқим ҳосил бўлмайди.

Кўллар, ботқоқликлар ва музликларнинг оқим ҳосил бўлишига таъсири.

Дарё ҳавзасида мавжуд бўлган кўллар, ботқоқликлар маълум даражада оқимни бошқариб, унинг йил ичида нисбатан текис тақсимланишига сабаб бўлади, ҳавзадаги кўллар таъсирида кам сувли даврда оқим нисбатан кўп бўлиб, тўлин сув даврида эса оқим кўлсиз дарёларга нисбатан кам бўлади.

Иккинчи томондан кўллар юзасидан бўладиган буғланиш ҳисобига умумий оқим миқдори камаяди. Оқимнинг камайиш миқдори, биринчидан, кўлларнинг сув юзаси майдонига, сўнгра эса шу ҳудудда сув юзасидан ва қуруқлиқдан бўладиган буғланиш фарқига боғлиқдир. Сув юзаси майдони ва буғланишлар фарқи қанча катта бўлса, буғланишга шунча кўп миқдорда сув сарф бўлади ва бинобарин дарё оқими миқдори ҳам шунча камаяди.

Марказий Осиё давлатлари ҳудудида кўллар юзасидан бўладиган буғланиш ҳисобига оқимнинг камайиши ниҳоятда сезиларлидир. Масалан, А.А.Соколов ҳисобига кўра мазкур ҳудудда кўллар юзаси умумий майдонга нисбатан 1% ни

ташкыл этганда күлсиз ҳавзаларга нисбатан оқимнинг 70 – 80 фойизи буғланишга сарфланади [6].

Ботқоқлар ҳақида ҳам юқоридаги каби фикрларни билдириш мумкин. Уларнинг дарё оқимига таъсири, айниқса шимолий ҳудудларда сезиларлидир.

Дарё ҳавзаларида музликларнинг мавжудлиги оқимнинг йил ичида ва **йиллараро тақсимланишига** сезиларли даражада таъсир қиласи. Масалан, Марказий Осиё ҳудудидаги музликлар ҳисобидан тўйинадиган дарёлар (Зарафшон, Норин, Вахш) оқимининг асосий қисми июл – сентябр ойларига тўғри келади. Шу даврдаги **иссиқлик мувозанати** эса у йилдан бу йилга кам ўзгаради, бинобарин оқим миқдори ҳам йилдан йилга кам ўзгаради.

Инсон ҳўжалик фаолиятининг дарё оқимига таъсири.

Инсон ҳўжалик фаолиятининг дарё оқимига таъсири жуда қадимга бориб тақалади, лекин бу таъсир авваллари кенг миқёсда бўлмагани учун унча сезиларли бўлмаган.

Асримизнинг ўргасидан бошлаб эса инсоннинг табиатга таъсири жуда кучая борди. Жумладан, инсон ҳўжалик фаолиятининг дарё оқимига таъсири қуйидаги кўринишларда ўз аксини топади:

1. Сув омборлари, сув электр станциялари (ГЭСлар), селхоналар қуриш;
2. Дарё оқимини ҳавзалараро қайта тақсимлаш;
3. Сугориладиган ерлар майдонини кенгайтириш;
4. Дарё ҳавзасидаги ботқоқлик ерларни қуритиши;
5. Дарёлар сув тўплайдиган йирик майдонларда агротехника тадбирларини ўтказиши;
6. Йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш;
7. Йирик саноат корхоналари (қофоз ишлаб чиқарувчи, кимё, металлургия, тўқимачиликни сув билан таъминлаш ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган омиллар дарё оқимининг миқдорига ҳам, сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда ана шу таъсирини ҳаф томонлама ўрганиш ва уни миқдорий жиҳатдан баҳолаш гидрология фанининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

### **Синов саволлари:**

1. Оқимни белгилаб берувчи омиллар қаторига қайсилар киради ва улар дарё оқимига қандай таъсир күрсатади?
2. Оқимнинг шаклланишига иқлимий омиллар қандай таъсир күрсатади?
3. Ҳавзанинг рельеф тузилиши оқимга қандай таъсир күрсатади?
4. Ўсимлик қоплами ва тупроқ шароити оқимга қандай таъсир күрсатади?
5. Инсон ҳўжалиги фаолоиятининг оқимга таъсири қандай рўй беради?

### **1.3. Оқимнинг йил давомида тақсимланишини белгиловчи омиллар**

*Календар даврларда, фасларда ва фаслар ичига (ўн кунликлар, ҳафталар, кунлар) дарё оқимининг йил давомидаги ҳолати қонуниятларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Улар асосига турли хил сув ҳўжалиги мақсадларида сув манбаларидан фойдаланиш режалари тузилади ва сув омборлари каби гидротехник иншоотларнинг параметрлари аниқланади. Ўшбу мавзуда оқимнинг йил давомида тақсимланишини белгилаб берувчи қатор омилларга таъриф берилади.*

Оқимнинг йил ичига тақсимланишини аниқлаш анча мураккаб, чунки мазкур жараёнга кўпгина табиий географик омиллар таъсир күрсатади. Улар орасида ёғин – сочин ва ҳавонинг ҳарорати, шу билан бирга буғланишнинг йил давомида ўзгариб туриши кабилар киради. Иқлимий омиллар географик зоналликга бўйсинганлиги сабабли оқимнинг йил ичига тақсимланиши бўйича дарёлар таснифини ишлаб чиқиш имкони туғилди. Масалан, Б.Д.Зайков дарёлар оқимининг йил давомида тақисмланишига ва тўйиниш манбаларига қараб таснифини тузишга мусассар бўлди. Дарёлар қўйидаги учта гуруҳга: 1. Тўлин сув даври баҳорда кузатиладиган дарёлар; 2. Тўлин сув даври йилнинг иссиқ ойларида кузатиладиган дарёлар; 3. Йил давомида тошқинлар кузатиладиган дарёларга бўлинади.

Оқимнинг тақсимланишига иқлимий омиллардан ташқари ҳавзадаги оқимнинг табиий бошқарилишини ифодаловчи бошқа табиий географик омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳавзанинг майдони, рельеф тузилиши, гидрогеологик шароити, кўл, ўрмон, музикларнинг мавжудлиги кабилар киради. Масалан, текислик дарёлари оқимининг йил давомида текис тақсимланишига кўлларнинг таъсирини Нева, Свирь, Болтиқбуйи ҳудудларидағи дарёларда яққол кўришимиз мумкин.

Оқимнинг йил давомида тақсимланиши инсоннинг меҳнат фаолияти туфайли анчагина ўзгаради. Уларга ҳовуз ва сув омборлари қуриш, ботқоқликларни қуритиш, ихота дарахтлари майдонини ташкил қилиш, агротехника тадбирларини ўtkазиш киради. Жумладан, сув омборлари дарёлар оқимини мавсумлараро, йиллараро тартибга солишга мўлжаллаб қурилади. Мавсумлараро тартибга солишга мўлжалланган сув омболарининг асосий вазифаси тўлин ва тошқин сув даврларида сувни тўплаш ва ундан дарёларда сув камайган пайтларда фойдаланишлардан иборатdir. Мазкур турдаги сув омборлари оқими йил ичida нотекис тақсимланган дарёларда қурилади.

**Йиллараро** тартибга солишга мўлжаллаб қурилган сув омборлари кўп сувли йилларда сувнинг бир қисмини сақлаб қолиш ва ундан кам сувли йилларда фойдаланиш мақсадида қурилади.

Дарё ҳавзаларида ботқоқликларни жадал қуритиш вақтида тўлин сув даври пайтида оқимнинг кескин ортиши гидрографик тармоқланишнинг кенгайиши (канал ва зовурларнинг) сабабли кузатилади. Бу вақтда ҳавза юзасидаги сувларнинг жадал равишда ўзанга қуилиши рўй беради, бу эса оқимнинг мавсумлар ва ойлараро нотекис тақсимланишига олиб келади.

Ҳавзани ўрмонлаштириш оқимнинг йил ичida тақсимланишига икки йўл билан таъсир кўрсатади. Биринчидан, ўрмонзорларда қор эриш жараёни чўзилади, шу билан бирга тўлин сув даври ҳам узаяди. Иккинчи томондан ўрмондаги тупроқ – грунт қопламидан сувнинг шимилиши жадал бўлганлиги сабабли устки оқимнинг бир

қисми ер ости сувларини бойитади. Булар ўз навбатида дарё оқимининг текис тақсимланишига сабаб бўлади.

**Агротехник тадбирлар** тупроқ – грунтларда намликни тўплашга қаратилаган бўлиб, юза оқимни ер ости оқимига ўтказишга қаратилган. Бу ҳолатда дарё оқимининг тўлин сув даври пайтидаги бир қисми ер ости сувларини тўйинтиришга сарфланади, кам сувли даврда эса бу сувлар дарёни тўйинтиради.

Тоғ дарёларининг йил давомида тақсимланишини уларнинг тўйиниши манбалари белгилаб беради. Жумладан музлик сувлари ҳиссаси катта бўлган дарёларнинг оқими йил давомида нисбатан текис тақсимланган бўлади. Ва, аксинча, тўйинишида ёмғир сувларининг ҳиссаси катта бўлган дарёларнинг оқими йил давомида ниҳоят нотекис тақсимланган бўлади.

### **Синов саволлари:**

1. Оқимнинг йил ичида тақсимланишини белгиловчи омилларни санаб ўтинг.
2. Дарё ҳавзасидаги кўллар оқимнинг тақсимланишига қандай таъсир кўрсатади?
3. Дарё ҳавзасининг ўрмон билан қопланганлик даражаси оқимнинг тақсиланишини қандай ўзгартиради?
4. Тоғ дарёларида оқимнинг йил ичида тақсимланишини белгиловчи асосий омил нима?

### **1.4. Оқимнинг йил давомида тақсимланишини гидрометрик кузатишлар мавжудлигида ҳисоблаш**

Ушбу мавзууда оқимнинг йил давомида календар вақт бўйича тақсиланишини ҳисоблашнинг асосий йўли – жойлаштириш (компановка) усули эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ўзоқ муддатли кузатишлар (25 йилдан кам бўлмаганга) мавжудлигида йил давомида оқимнинг ҳисобли тақсимланиши *амалдаги* йил усули билан аниқланади. Лойиҳага кўрсатилишича сувни сарфлари йил давомида кам ўзгарса, унга ҳар кунлик сув сарфларининг давом этиши эгри чизигини қўласа бўлади.

Оқимнинг йил давомида тақсимланишини ҳисоблашнинг асосий йўларидан бири – **жойлаштириш** усули бўлиб ҳисобланади. Бу усулни тўлиқ ва батафсил тадқиқ этиш В.Г.Андреянов [1] томонидан олиб борилган. Оқимнинг йил давомида тақсимланишини жойлаштириш усули билан ҳисоблаш икки қисмга бўлинади: биринчиси – мавсумлараро тақсимланиш бўлиб, катта аҳамиятга эга ва нисбатан аниқ ҳисобланади; иккинчиси – мавсумлар ичида (ойлар, кунлар бўйича) тақсимланиш бўлиб, маълум даражада тахминий ва содда ҳолда амалга оширилада. Бундай бўлинишга сабаб оқимнинг бирор гидрологик мавсум ичида тақсимланиши шу мавсумнинг сувлилигига боғлиқ бўлади. Мисол учун, текислик дарёларида оқимнинг ёз ва кузда тақсимланиши сув тақчил даврга тўғри келади, чунки бу вақтнинг оқими асосан кам ўзгарувчи ер ости сувлари ҳисобига тўйинади, ва аксинча, оқимнинг нотекис тақсимланиши ёмғир туфайли пайдо бўлган сув тошқини пайтидаги, серсув даврга тўғри келади.

Оқимнинг мавсумлараро тақсимланиши йиллар бўйича доимий бўлиб қолмайди ва уни тадқиқ қилиш ва ҳисоблаш математик статистика усуллари билан олиб борилади. Мавсумлар бўйича оқимнинг кўп йиллик ўзгаришини тадқиқ қилишда йиллик оқимнинг мавсумлар оқимининг йигиндисига тенг бўлишига ва қўшни фасллар орасида коррелятив боғланиш мавжудлигига эътибор бериш керак. Оқимни мавсумлараро тақсимланишини ҳисоблашда йилни икки даврга: серсув ва кам сувли даврларга бўлиш маъқул. Даврларни ажратиш оқимни йил давомида тақсимланиш турига боғлиқ. Лойиҳалашдаги амалий масалаларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, оқимни мавсумлараро тақсимланишини ўрганиш мақсадида бирор даврни икки фасла бўлиш мумкин. Ҳаммаси бўлиб бир йилда уч мавсумдан кўп ажратиб бўлмайди. Оқимнинг йил давомида тақсимланиш турига ва сувдан фойдаланиш мақсадларига боғлиқ ҳолда даврлар **чегараланган** деб қабул қилинади. Сув етишмаслик даври (лимитирующий сезон) оқимдан фойдаланишда шундай мушкул даврки, бунда сув хўжалиги мосламалари ишлашига ноқулай шароит кузатилади. Сув етишмаслик даври ичида сув етишмаслик мавсумини ажратиш мумкин. Баҳорги **тубошқини** мавжуд дарёларда,

улардан энергия мақсадларида фойдаланилганда икки даврни ажратса бўлади: серсув – баҳор фасли ва камсувли – сув тақчил ойлари киради. Бу ҳолатда сув миқдори чегараланган давр ўз ичига сув тақчил ойларни (ёз, куз – қишини) олади.

ГЭСлар иши учун энг ноқулай шароит қишда кузатилади. Шунинг учун қиш фаслида сув миқдори чегараланган ҳисобланади. Суғориш учун ишлатиладиган баҳорги сув тошқини мавжуд дарёларда чегараланган бўлиб сув тақчил ойлар ҳисобланади.

Йилни, мавсумларга бўлинишига қараб, оқимнинг йил давомида тақсимланишини ҳисоблашни календар йиллар билан эмас, балки сув **хўжалиги йили** билан бошлаш тавсия қилинади. Мавсумлар муддати, кузатиш қатори барча йиллар учун бир хил бўлиб, тўлиқ ойлар қабул қилинади. Серсув мавсумнинг давом этиш муддати шундай қабул қилинадики, барча йиллар давомида серсув давр эрта ёки кеч бошланганда ҳам шу белгиланган муддат ичида бўлиши керак.

Йиллик оқим билан айрим фаслар оқими йифиндиси ўргасидаги тенглилка зътибор бериш учун В.Г.Андреянов йиллик оқим ва чегараланган оқим таъминланганлигини бир хил деб қабул қилишни тавсия қиласди. Чегаралмаган давр оқими йиллик оқим ва чегараланган давр оқими орасидаги фарқдан топилади.

Оқимнинг фасл ичида тақсимланиши фаслнинг сувлилигига боғлиқ. Шунинг учун оқимнинг фаслар ичида тақсимланишини сувлиликнинг турли гуруҳлари учун айрим ҳолда олиб борилиши керак. Амалиётда сувлиликнинг учта босқичи қабул қилинади: серсувга – оқимнинг таъминланганлиги  $P < 33\%$ , ўртача сувлилик – таъминланганликнинг  $P = 33 – 66\%$  ва кам сувлилик  $P > 66\%$  бўлганда кузатилади.

Жойлаштириш усули кузатиш маълумотлари 20 йилдан кам бўлмаганда ва бу давр кам сув, кўп сув ва ўртача сувлилик йилларни ўз ичига олгандагина оқимнинг йил давомида тақсимланишини ҳисоблашда ишлатилади.

**Амалдаги йил усули.** Бу усулнинг мазмуни шундаки, ҳисоблаш учун шундай гидрограф олинадики, унда йиллик оқим, чегараланган давр ва мавсумнинг таъминланганлиги ҳисобли таъминланганликга яқин бўлади. Бунинг учун

йиллик оқим, чегараланган давр ва мавсумий оқимлар камайиш тартибида ёзилади ва уларнинг эмпирик таъминланганлиги ( $P, \%$ ) ҳисобланади. Ҳосил бўлган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида қўйилган талабга жавоб берадиган реал гидрограф танланади.

Агар фақат кам сувли йилни олиш керак бўлса, унда фақат таъминланганлиги 67 дан 100 % гача бўлган кам сувли йиллар олинади (камайтириш қаторининг охирги учдан бири).

Гидрограф танланганда унинг тузилиши ушбу ноҳияга мос бўлишига эътибор бериш керак. Танланган гидрографда оқимнинг ойлик фоизли миқдорлари аниқланади. Таъминланганлик эгри чизигида топилган ҳисобли йиллик оқим амалдаги йилдаги фоизли бўлинганликга қараб ойлар бўйича тақсимланади.

Ҳисоб гидрографини амалдаги йил усули билан тоғиш фақатгина кўп йиллик кузатишлар ( $n > 20$ ) бўлгандагина асосли деб бўлади. Кузатиш даври қисқа бўлганда, йил ва мавсумнинг нисбий сувлилигини камайиш тартибидаги рақамига қараб ишончли аниқлаш мумкин эмас.

#### **Синов саволлари:**

1. Оқимни йил давомида тақсимланишини жойлаштириш усули билан ҳисоблаш нимага асосланган?
2. Чегараланган давр ва мавсумни қандай тушунасиз?
3. ГЭСлар иши учун чегараланган деб қайси мавсум қабул қилинади?
4. Суфориш ишлари учун чегараланган даврга қайси ойлар киради?
5. Амалдаги йил усули билан оқимни йил давомида тақсимланишини ҳисоблаш қандай амалга оширилади?

#### **1.5. Оқимнинг йил ичида тақсимланишини гидрометрик маълумотлар бўлмаганда ёки етарли бўлмаганда ҳисоблаш**

Ушбу мавзууда оқимнинг йил ичида тақсимланишини гидрометрик маълумотлар йўқ бўлганда ёки қисқа қатор бўлганда ҳисоблаш усуллари берилган. Тоғли ҳудудлар дарёлари оқимининг йил давомига тақсимланишини баҳолаш

учун ҳавзанинг ўртача баландлиги, дарёнинг тўйиниши манбалари ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Оқимнинг йил давомида тақсимланишини кузатиш маълумотлари бўлмаганда ва етарли бўлмаганда гидрологик ўхшашлик, оқимнинг йил давомида тақсимланиши тавсифларининг мавжуд. ҳудуд чизмалари бўйича олиб борилади. Асосий усул бўлиб гидрологик ўхшашлик ҳисобланади.

Оқимга таъсири кўрсатувчи омилларнинг кўплиги сабабли оқимнинг йил давомида тақсимланиши бўйича ўхшашини топиш анча қийин масаладир.

Биринчи навбатда ўхшаш дарёни танлашда улардаги иқлимий шароитларнинг ва табиий оқимнинг бошқарилиши ва бошқа омилларнинг яқинлигига эътибор берилади. Узил – кесил ўхшаш дарёни танлашда икки ҳавзанинг бир хил даврдаги кузатиш маълумотлари бўйича оқимнинг йиллик, фасллар ва ойлик миқдорлари бир – бири билан таққосланади.

Кузатиш маълумотлари умуман йўқ бўлган тақдирда икки дарёда ҳеч бўлмаса бир йил давомида паралел кузатиш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари дарё ҳавзасида сув тошқини муддатининг давом этиши, ёмғир ёки қор туфайли ҳосил бўлган сув тошқинлари, максимал сув сатҳи ва бошқа гидрологик маълумотларни йиғиш бўйича гидрометрик дала ишларини олиб бориш керак. Агарда тўлиқ ўхшашлик бўлмаган тақдирда оқимнинг йил давомида тақсимланишига тузатмалар киритилади.

Гидрометрик кузатиш маълумотлари бўлмаганда, ёки етарли бўлмаганда оқимнинг йил давомида тақсимлашишини ҳисоблаш юқорида қайд этилган жойлаштириш усулида тақсимланиш параметрлари узоқ муддатли кузатиш маълумотларига эга ўхшаш дарёга қиёс қилиб олинади. Агар ўрганилмаган ва ўхшаш дарёнинг сув йиғиш ҳавзалари майдонлари бир – бирига яқин бўлса, оқимнинг ойлар ва мавсумлар бўйича тақсимланиши бир – бирига мос тушса, ўхшаш дарё оқимининг фоизли тақсимланиши ўрганилмаган дарёга тўғридан – тўғри татбиқ этилади.

Оқимнинг йил давомида тақсимланишига текислик дарёлари ҳавзаларида кўлларнинг мавжудлиги, тоғли

худуддаги дарёларда эса сув йиғиш майдониннинг баландлиги катта таъсир кўрсатади. Бундай ҳолларда ўрганилган бир гуруҳ дарёлар оқимининг йил ичидаги тақсимланишини ҳисоблашда оқимнинг тақсимланиши асосий параметри билан текислик дарёлари учун – кўлларниң мавжудлиги орасида ёки тоғ дарёлари учун эса сув ҳавзасининг баландлиги ўртасидаги боғланиш графиги чизилади.

Ўрганилмаган дарё оқимининг йил давомида тақсимланишини ўрганишда баъзи бир ҳолларда оқимнинг ойлар ва фасллар бўйича (йиллик оқимга нисбатан фоизларда) тақсимланишини айрим ноҳиялар учун тузилган чизмалар бўйича топилади. Ҳар қалай ноҳия чизмаларидан фойдаланишдан олдин дарёни текшириб чиқиш ва қисқа муддатли гидрометрик кузатишларни ўюштирган маъқул.

Текислик дарёлари оқимининг фасллар бўйича тақсимланиши оқим хариталари ёрдамида аниқланади. Амалиётда кенг ишлатиладиган Д.Л. Соколовский ва Б.Д. Зайков хариталари мавжуд. Д.Л. Соколовский учта фасл (қиши, ёз, куз) бўйича оқим хариталарини изочизиклар кўринишида тавсия қилиб, хариталаш учун, оқим модули ( $M_0$ , л / сек  $\text{км}^2$ ) ишлатилган. Баҳор фаслида оқиб ўтган оқим эса қўйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$W_{\text{баҳор}} = W_{\text{йил}} - (W_{\text{қиши}} + W_{\text{ёз}} + W_{\text{куз}})$$

Б.Д. Зайков тамонидан тавсия қилинган харитада оқим йиллик оқимга нисбатан фоизда берилган бўлиб, тўртта фасл учун алоҳида хариталар мавжуд.

Тоғли ҳудудлар дарёлари бўйича оқимни йил давомида тақсимланишини баҳолаш ҳавзасининг ўртача баландлиги билан боғланган равишда олиб борилади. Марказий Осиёниң тоғ дарёлари учун В.Л. Шульц оқимининг йил ичидаги тақсимланишининг қўйидаги кўрсаткичларини тавсия қилган:

$$\delta = \frac{W_{\text{ЕНГ-IX}}}{W_{\text{III-IV}}} .$$

Бу параметрлар билан дарё ҳавзасининг ўртача баландлиги орасидаги боғланишни ўрганиб чиқиб, қўйидаги эмпирик ифодаларни ишлаб чиқишига муваффақ бўлди:

$$\delta = B * H_{\text{ҮРТ}}^{1.30}; \quad W_{\text{VII-IX}} = D * H_{\text{ҮРТ}}^{2.19}.$$

Бу ифодалардаги  $H_{\text{ҮРТ}}$  – дарё ҳавзасининг ўртача баландлиги, км да олинади. В ва D географик параметрлар бўлиб, Марказий Осиёning жануби ва маркази учун  $B = 0,0265$ ;  $D = 3,40$ , шимолий қисми учун  $B = 0,0114$ ;  $D = 4,28$  га тенг деб олинади. Сўнгра ҳисобланган  $\delta$  ва  $W_{\text{VII-IX}}$  ларга асосланиб, маҳсус номограммалардан алоҳида ойлар учун оқим миқдори йиллик оқимга нисбатан фоизда аниқланади.

### **Синов саволлари:**

1. Гидрометрик маълумотлар бўлмагандага оқимнинг йил давомида тақсимланишини гидрологик – ўхшашлик усули билан ҳисоблашни қандай тушунасиз?
2. Текислик дарёлари оқимининг йил давомида тақсимланишини ҳисоблашда қандай усул ишлатилади?
3. Б.Д.Зайков усулининг Д.Л.Соколовский усулидан фарқи нимада?
4. Оқимнинг йил ичида тақсимланишини ифодаловчи δ ва  $W_{\text{VII-IX}}$  параметрлар қандай аниқланади?
5. Марказий Осиё дарёлари оқимининг йил ичида тақсимланишини ҳисоблашда В.Л. Шульц усулини эсланг.

### **1.6. Тўлин сув даври оқими ва уни ҳисоблаш усуллари**

Дарёларда кузатиладиган тўлин сув даври оқимини ҳисоблашнинг илмий ва амалий аҳамияти беқиёсdir. Чунки максимал сув сарфларининг энг катта қийматлари тўлин ва тошқин сув даврларига тўғри келади. Гидрологиядан бизга маълумки, у ёки бу дарё ҳавзасининг табиий шароитига, шу билан тўйиниш манбаига қараб дарёларда тўлин сув даври пайтига йиллик оқимнинг 70–80 % оқиб ўтади. Ушбу мавзудга тўлин сув даврига тўғри келадиган оқим миқдорини ҳисоблаш усуллари берилган.

Бизга маълумки, дарёларниниг сув тартибида қуийдаги даврлар кузатилади: тўлин сув даври; тошқин сув даври ва кам сувли давр.

**Тўлин сув даври** деб, дарё ҳавзаларида қор ва музликларнинг эриши натижасида дарёда сув сатҳининг узоқ муддат давомида кўтарилган ҳолда турish даврига айтилади. Дарёларда бундай ҳолат йилдан – йилга деярли бир вақтда кузатилади. Тўлин сув даври кузатилиши вақтига қараб баҳорги, баҳор – ёзги ва ёзги бўлади.

**Баҳорги тўлин сув даври** асосан қор ва қор – ёмғир сувларидан келиб чиқиб, у асосан текисликдаги дарё ҳавзаларида кузатилади. Тўлин сув даврида ўтувчи сув сарфларининг максимал қийматлари чўл ва чалачўл зоналарда март – апрел ойларида, ўрмон зоналарида апрел, тундра зонасида май – июн ойларида кузатилади.

**Баҳор – ёзги тўлин сув даври** асосан ўртача баландликка эга бўлган тоғлардан бошланадиган дарёларда, яъни тўйиниш манбай абадий қор чизигидан пастда жойлашган дарё ҳавзаларида кузатилади. Бу дарёларда сув сарфларининг максимал қийматлари май – июн ойларига тўғри келади, тўлин сув даври 3 – 5 ойгача давом этади.

**Ёзги тўлин сув даври** баланд тоғлардаги музлик ва мангу қорликлардан тўйинадиган дарёларда кузатилади. Бу хил дарёларда тўлин сув даври узоқ, октябргача давом этиши мумкин. Сув сарфларининг максимал қийматлари йилнинг энг иссиқ ойлари (июл – август) да кузатилади.

### **1.7. Тўлин сув даврининг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуслари**

Тўлин сув даврининг асосий кўрсаткичлари қўйида гилардан иборат:

1. Тўлин сув даврининг бошланиш вақти;
2. Тўлин сув даврининг давом этиш муддати;
3. Тўлин сув давринини тугаш вақти;
4. Тўлин сув даврида кузатилган сув сарфининг максимал қиймати;
5. Тўлин сув даврида оқиб ўтган оқим ҳажми.

Тўлин сув даврининг ўлчам кўрсаткичларини гидрометрик кузатишлар бўлганда ва бўлмагандан ҳисоблаш усуслари мавжуд.

Гидрометрик кузатишлар етарлича узун қатор бўлганда ( $n > 25$ ) ҳисоблашда кузатилган давр учун суткали сув

сарфлари асосида алоҳида йиллар учун гидрографлар чизилади.

Тўлин сув даврининг бошланиши муддати (санаси) гидрографлар асосида аниқланади. Бу масала қатор олимларни қизиқтирган. Улар орасида З.В. Джорджио бу борада тадқиқотлар олиб бориб, қуийдаги қонуниятларни тавсия қилишга эришган.

1. Тўлин сув даврининг бошланишида суткалар орасида сувнинг тебраниши кузатилади, яъни кундузи ҳароратнинг кўтарилиши натижасида сув сарфининг ортиши ва тунги вақтда эса, аксинча, ҳароратнинг пасайини натижасида сув сарфининг камайиши яқол сезилади;

2. Тўлин сув даври вақтида ҳавонинг ҳарорати ва сув сарфлари орасида боғланиш  $Q = f(t^0_x)$  тикланади, сувлийкнинг бошқа даврларида, жумладан кам сувли даврда бундай боғланиш кузатилмайди;

3.  $0^{\circ}$  изотерма чизиги мавсумий қор чизифидан юқорида бўлади.

Тўлин сув даврининг тугаш санасини аниқлашга келадиган бўлсак, тадқиқотчиларнинг фикрига биноан, у нисбатан шартли характерга эга. Шундай бўлса ҳам қуийдагиларни эътиборга олиш керак:

1. Ҳаво ҳароратининг ўртача суткалик қийматининг  $0^{\circ}$  дан манфий қийматга ўтган санаси белгиланади;

2. Дарё сувларининг тўлқинланиши камайиб, равон оқимга ўтади. Буни гидрографдан ҳам кўриш мумкин;

3. Тажриба шуни кўрсатадики, тўлин сув даврининг тугаши вақтида сув сарфлари тўлин сув даврининг бошланишидаги сув сарфига нисбатан кўп бўлади.

Тўлин сув даврининг давом этиш муддати (кунлар ёки суткалар ҳисобида) унинг бошланиши ва тугаши саналари орасидаги кунлар ҳисобланади.

Тўлин сув даврининг оқим ҳажми ҳам алоҳида йиллар учун қуийдагича ҳисобланади:

$$W = Q_{III} * T_{cek} + Q_{IV} * T_{cek} + \dots + Q_n * T_{cek}.$$

Керакли таъминланишдаги тўлин сув даври ҳажмини ҳисоблаш учун, таъминланиш эгри чизиги параметри –  $C_V$ ,

$C_S$ ,  $W$  ларни ҳисоблаш талаб қилинади. Улар асосида  $W_{p\%} = K_{p\%} * W$  аниқланади.

Тўлин сув даври ўлчам кўрсаткичларини гидрометрик кузатишлар бўлмаганда аниқлаш усуллари.

Текислик дарёлари тўлин сув даврининг бошланиш санасини Антонов изочизиқлар кўринишидаги харитадан аниқлашни тавсия қилди. Бунинг учун дарё ҳавзаси оғирлик марказининг географик координаталари ( $\phi^\circ, \lambda^\circ$ ) ишлатилади.

Тўлин сув даврининг давом этиши (суткаларда) Б.В.Поляков ифодаси ёрдамида аниқланади, у қуйидаги кўринишга эга:

$$t = a * \sqrt{e + 1},$$

бунда  $t$  – тўлин сув даврининг давом этиши муддати – кунларда;  $e$  – дарёнинг узунлиги, км да;  $a$  – географик параметр бўлиб,  $a \approx 25$  га тенг.

Тўлин сув даврида оқиб ўтган оқим қалинлиги ( $h$ , мм) ни аниқлашда ДГИ томонидан тавсия қилинган изочизиқлар харитасини ишлатамиз. Бундан ташқари ДГИ томонидан тўлин сув даври оқимишининг ўзгарувчанлиги харитаси ишлаб чиқилган. Тоғли ҳудуддаги дарёлар учун тўлин сув даври кўрсаткичларини аниқлаш учун тўлиш сув даври оқими элементлари билан дарё ҳавзасининг ўртача баландликлари орасидаги боғланишдан фойдаланилади.

### Синов саволлари:

1. Тўлин сув даврининг қандай кўрсаткичларини биласиз?
2. Тўлин сув даврининг бошланиши, тугаши ва давом этиши муддатлари қандай омилларга боғлиқ?
3. Гидрометрик маълумотлар бўлганда тўлин сув даври ўлчам кўрсаткичлари қандай аниқланади?
4. Тўлин сув даврининг бошланиши ва тугаши саналарининг аниқлаш учун З.В.Джорджио тавсиясини эсланг.
5. Гидрометрик кузатишлар олиб борилмаган дарёларда тўлиш сув даври ўлчам кўрсаткичлари қандай аниқланади?

## 1.8. Максимал сув сарфларини гидрометрик маълумотлар бўлганда ҳисоблаш усуллари

Сув сарфларининг максимал қийматларини ҳисоблаш гидротехник инишоотлар лойиҳасини ишлаб чиқишда муҳим ўрин эгаллади. Жумладан, сув омборлари тўғонининг баландликларини, кўпприклар, гидроузеллар қуришда биринчи навбатда сув миқдорларининг фавқулоддга катта қийматлари ҳақида маълумотга эга бўлиш зарурати туғилади. Сув хўжалиги амалиётида сув сарфларининг максимал қийматларини ҳисоблаш қўйигаги шароитларда олиб бориласди: а) гидрометрик маълумотлар етарлича узун қатор бўлганда; б) гидрометрик маълумотлар қисқа қатор бўлганда. Ушбу мавзуда шу икки ҳолатда  $Q_{max,p}$  ларни ҳисоблаш усуллари ёритилган.

Агар йиллик сув сарфлари қатори етарлича узун ( $n > 30$ ) бўлса,  $Q_{max,p}$  га тегишли элементларни ҳисоблашда худди оқим меъёрини ҳисоблаш каби эҳтимоллар назарияси усулларидан фойдаланилади. Бунда таъминланиши эгри чизигини ҳосил қилиш учун зарур бўлган элементлар

( $\bar{Q}_{max}$ ,  $C_{1,max}$ ,  $C_{S,max}$ ) ларни ҳисоблашимиз керак.

Максимал сув сарфларини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) таъминланиш эгри чизиги иложи борича **генетик жиҳатдан** бир хил бўлган максимал сув сарфларининг қийматлари учун тузилади;

2)  $Q_{max,p}$  ни ҳисоблашда унинг аниқлигини ошириш учун **тарихий максимал сув сарфларини** эътиборга олиш тавсия қилинади;

3)  $Q_{max,p}$  ни ҳисоблашда **кафиллик тузатмаси** киритилади.

Бу хусусиятларга алоҳида тўхталиб ўтамиш.

$Q_{max,p}$  генетик яъни келиб чиқиш жиҳатидан қуйидагилардан иборат: а) ёмғир сувларидан келиб чиқсан  $Q_{max}$ ; б) эриган қор ва музлик сувларидан ҳосил бўлган  $Q_{max}$ ; в) аралаш сувлар, яъни эриган қор ва муз сувлари устига жадал ёқсан ёмғир сувлари қўшилади.

Максимал сув сарфларини қандай сувлар ҳисобига шакилланғанligини билиш учун қуидаги изланиш олиб борилади. Бунинг учун  $Q_{max}$  билан ўртача суткали сув сарфлари орасыда боғланиш графиги чизилади. Агар  $Q_{max}=f(Q_{\text{урт.с.}})$  боғланишда нұқталар зич жойлашған бўлса, яъни боғланиш коэффициенти 0,7 дан катта бўлса, унда  $Q_{max}$  эриган қор ва музлик сувлари ҳисобига шаклланған деб қабул қилинади. Ва аксинча нұқталар тарқоқ бўлиб, боғланғанлик суст ёки умуман бўлмаса,  $Q_{max}$  ёмғир сувлари ҳисобига шаклланған деб олинади.

Агар аралаш сувлар ҳисобига шаклланған бўлса, таъминланиш эгри чизиги элементларини ҳисоблаш учун **композиция** усули ишлатилади. Бу ҳолда  $P$  қуидаги ҳисобланади:  $P = P_1 + P_2 - 0,01P_1 * P_2$ , бунда  $P_1$  – қор сувлари ҳисобига шаклланған  $Q_{max}$  нинг таъминланғанлиги;  $P_2$  – ёмғир сувлари ҳисобига  $Q_{max}$  нинг таъминланғанлиги. Мобода, қор сувлари устига ёмғир сувлари кўшилса,  $P = 0,01P_1 * P_2$  ифода билан аниқланади.

Ассиметрия коэффициентлари ( $C_{smax}$ ) қуидагида қабул қилинади: а) эриган қор сувлари ҳисобига шаклланған текислик дарёлари учун  $C_{smax} = 2C_{vmax}$ ; б) ёмғир ва аралаш сувлар ҳисобига шаклланған текислик дарёлари учун  $C_{smax} = 3 \div 4 C_{vmax}$ ; в) тоғ ҳудуди дарёлари учун  $C_{smax} = 4C_{vmax}$ .

$Q_{max}$  ни ҳисоблашда мунтазам равишда кузатилган (гидрометрик) қатордан ташқари **тарихий сув сатҳиларини** ҳам ишлатиш тавсия қилинади. Бундай маълумотлар архив материалларини ўрганиш орқали аниқланади ва қўшимча равишда сув сарфлари эгри чизиқлари  $H = f(Q)$  боғланиш графикларидан фойдаланилади. Тарихий сув сатҳи қийматига тўғри келувчи  $Q_{max}$  миқдори  $H = f(Q)$  эгри чизигини экстраполяция қилиб аниқланади.  $Q_{max,N}$  ни аниқлаганимиздан кейин Крицкий – Менкель ифодалари ёрдамида тикланған "N" қатор учун  $Q_{max}$  ҳисобланади. Ҳисоб иккита ҳолат учун олиб борилади: 1) тарихий  $Q_{max}$  кузатилган қатордан ташқарида жойлашған ҳолат учун қуидаги аниқланади:

$$Q_{max} = \frac{1}{N} (Q_{\text{v}} + \frac{N-1}{n} \sum_i^n Q_{i,v}).$$

Тарихий ( $Q_{N\max}$ ) максимум ҳақиқий кузатилган п қаторга киравчи  $Q_{n\max}$  қийматидаан кичик бўлса, унда қуидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$Q_{n\max} = \frac{1}{N} (Q_n + \frac{N-1}{n-1} \sum_{i=1}^{n-1} Q_i).$$

Гидротехник иншоотларниң халқ хўжалигидағи аҳамиятига ҳамда тўғон орқали сув ўтказиш қобилиятига қараб улар синфларга бўлинади.

I – синф иншооти  $P = 0,001 - 0,1\%$  бўлиб,  $N = 10000$  йил ва  $N = 1000$  да бир марта кузатиладиган сув сарфлари қиймати ҳисобга олинади.

II – синф иншооти  $P = 1 - 2 \%$ ;  $N = 100 - 50$  йил.

III – синф иншооти  $P = 2 - 3 \%$ ;  $N = 50 - 33$  йил.

IV – синф иншооти  $P = 5 \%$ .  $N = 20$  йил.

Бундан ташқари  $Q_{\max}$  ҳисоблагандага кафиллик тузатмаси киритилади, унинг қиймати ЛенГИДЭП ифодаси ёрдамида аниқланади.

$$\Delta Q_{\max} = \frac{a * E_p}{\sqrt{n}} * Q'_{\max, P},$$

бу ерда:  $\Delta Q_{\max}$  – кафиллик тузатма қиймати;  $E_p$  – таъминланиш эгри чизиги ординатасидаги ўртача квадратик хатолик, маҳсус номограммадан  $C_V$  ва  $P, \%$  ларниң қийматига қараб топилади;  $a$  – дарёниң гидрологик жиҳатдан ўрганилганлик даражасини изоҳловчи коэффициент. Жумладан, етарлича яхши ўрганилган дарё учун  $a = 0,7$ , суст ўрганилган дарёлар учун  $a = 1.5$  деб қабул қилинади.

Кафиллик тузатмани аниқлаганимиздан кейин  $Q_{\max, P}$  ни аниқлаймиз:

$$Q_{\max, P} = Q'_{\max, P} + \Delta Q_{\max, P}.$$

Гидрометрик маълумотлар қисқа қатор бўлгандага  $Q_{\max}$  ни ҳисоблаш учун, аввало, қаторни тиклаб узайтиришга ҳаракат қилиш керак. Бизга маълумки гидрологик ҳисоблашнинг турли йўналишларида қисқа қаторни узайтириш учун ўхшашлик усули ишлатилади. Бу усуддан биз юқорида оқим меъёрини ҳисоблаганимизда фодаланган эдик. Худди шу йўл билан максимал сув сарфлари қисқа қатори ҳам узайтирилади, сўнгра Крицкий – Менкель ифодасидан фойдаланиб, максимал сув сарфи аниқланади:

$$Q_{\max,r}^N = Q_{\max,x}^r + r \frac{\sigma_x^N}{\sigma_a^N} (Q_{\max,a}^N - Q_{\max,x}^r),$$

$$C_{V_{\max,x}}^N = \frac{\sigma_x^N}{N},$$

$$Q_{\max,x}$$

бу ерда:  $Q_{\max,r}^N$  – ҳисоблаш створи бўйича узун қаторга келтирилган  $Q_{\max}$  ларнинг ўртача қиймати;  $Q_{\max,r}^N$  – ҳисоблаш створининг қисқа қатори бўйича  $Q_{\max}$  нинг ўртача қиймати;  $Q_{\max,a}^N$  – аналог бўйича узун қатор учун  $Q_{\max}$  ларнинг ўртача қиймати;  $Q_{\max,a}^N$  – аналог учун қисқа қатор бўйича  $Q_{\max}$  нинг ўртача қиймати.

### **Синов саволлари:**

1. Максимал сувларнинг генезиси қандай таҳлил қилинади?
2.  $Q_{\max}$  ни ҳисоблашда тарихий сув сатҳларидан қандай фойда – ланилади?
3. Гидротехник иншоотларнинг мустаҳкамлиги ва халқ хўжалигидаги аҳамияти бўйича таснифини ёдга олинг.
4. “Кафиллик тузатма” нимани билдиради ва у қандай ҳисобланади?
5. Гидрометрик маълумотлар қисқа қаторли бўлганда  $Q_{\max,r}$  қандай ҳисобланади?

### **1.9. Сув сарфларининг максимал қийматларини гидрометрик маълумотлар бўлмаганда ҳисоблаш усуллари**

Максимал сув сарфларининг энг катта қийматлари тўйин сув ва тошқин сув даврларбда кузатилади. Гидротехник иншоотнинг энг катта сув сарфини ўтказишга мўлжалланган сув сарфини аниқ ҳисоблаш жуда муҳимdir. Агар максимал сув сарфи миқдори ва унинг вақт давомига қайтарилиши нотўғри ҳисобланса, гидротехник иншоотларнинг бузилишига олиб келади. Иккинчи томондан,  $Q_{\max}$  ошириб ҳисобланса, иншоотнинг нархини ошириб юборади. Ушбу мавзуда эмпирик ифодалар асосида максимал сув сарфларини ҳисоблаш йўллари кўрилган.

Сув хўжалигида гидрометрик нўқтаи назардан ўрганилмаган дарёларда гидротехник иншоотларнинг қурилиши зарур бўлиб қолиши амалиётда тез-тез учраб туради. Бу масалани ҳал қилишда кўпроқ эмпирик ифодалардан фойдаланилади.

Сув хўжалиги амалиётида текислик дарёларида эриган қор сувлари ҳисобига шаклланган **максимал сув сарфини** ҳисоблашда Д.Л.Соколовский ифодаси кенг қўлланилади. У қўйидаги кўринишга эга:

$$Q_{\max,p} = \frac{0.28 \cdot I_p \cdot F}{(F + 1)^n} \cdot \delta_1 \cdot \delta_2 ,$$

бу ифодада:  $I_p$  – баҳорги максимал оқимнинг модули, мм/соат;  $F$  – дарё ҳавзасининг майдони,  $\text{km}^2$ ;  $n$  – боғланишнинг бурчак коэффициенти;  $\delta_1$  – дарё ҳавзасининг кўллилик коэффициенти;  $\delta_2$  – ўрмон ва ботқоқликлар билан қопланганлик даражасини белгиловчи коэффициент.

Ҳозирги вақтда ҳисоб максимал сув сарфи ( $Q_{\max,p}$ ) ни аниқлаш "Указания по определению расчетных гидрологических характеристик" (СН-435-72) да келтирилган қатор ифодалар бўйича олиб борилади. Жумладан тоғ дарёларининг қор сувлари ҳисобига шаклланган максимал сув сарфларини ҳисоблаш учун қўйидаги ифода қўлланилади:

$$Q_{\max,p\%} = \frac{K_0 h_p \cdot F}{(F + 1)^{0.5}} \delta \cdot \mu ,$$

бу ерда:  $Q_{\max,p\%}$  – эҳтимоллиги  $P\%$  дан ошган ҳисоб максимал сув сарфи,  $\text{m}^3/\text{s}$ ;  $h_p$  – юқоридаги эҳтимоллиқдаги тўлин сув даври оқими,  $\text{mm}$ ;  $F$  – жамловчи створгача сув йигиш майдони,  $\text{km}^2$ ;  $\delta$  – ҳавзанинг кўллилигини изоҳловчи коэффициен;  $\mu$  – оқимнинг қалинлиги ва максимал сув сарфларининг статистик параметрларининг тенг бўлмаганлигини ҳисобга олувчи коэффициент;  $K_0$  – сув тошқинининг фаолигини кўрсатувчи параметр, қиймати ҳавзанинг географик ўрнига қараб, маҳсус жадвалдан олинади.

Ўрта Осиё ва Шимолий Кавказнинг тоғли ҳудудлари дарёларининг  $Q_{\max,p}$  ни аниқлаш **ўхшашлик усули** билан олиб борилади:

$$Q_{\max,p\%} = M_{p,a} \frac{h_p}{h_{p,a}} \left( \frac{F_a + 1}{F + 1} \right)^{0.15} * \left( \frac{\delta_1}{\delta_{t,a}} * F \right),$$

бу ерда:  $M_{p,a}$  – ўхшаш (аналог) ҳавзанинг максимал оқим модули;  $h_p$  – ўрганилаёттан ҳавзанинг йиллик оқим қатлами;  $h_{p,a}$  – ўхшаш ҳавзанинг йиллик оқим қатлами;  $\delta_1$ ,  $\delta_{t,a}$  – ўрганилаёттан ва ўхшаш ҳавзаларниң күллилік коэффициентлари.

Марказий Осиё ҳудуди дарёлари учун эриган қор ва мұзлуклар сувлари ҳисобига шаклланған  $Q_{\max}$  ни ҳисоблаш учун Ю.М.Денисов қыйидаги ифодани тавсия қиласы:

$$\bar{M}_{\max} = \frac{0.325 * h}{2.64 * \sigma_h + 0.020 * \sqrt{h}}, \quad \text{л / сек км}^2,$$

бу ифодада:  $h$  – түлін сув даври оқимининг қалинлиғи, мм;  $\sigma_h$  – ҳавза баландлыгининг ўртача квадратик четланиши, км.

Керакли таъминланишдаги  $M_{\max,p}$  ни аниқлаш учун үзгарувчанлик коэффициентини  $C_{v\max} = 1.09$   $C_{vh}$  дан топамиз, сүнгра  $C_s = 2C_v$  бүйічка Фостер – Рибキン жадвалидан  $K_p$  қийматини оламиз ва  $M_{\max,p} = K_p * \bar{M}_{\max}$  ни топамиз.

Әмбір сувлари ҳисобига шаклланған максимал сув сарфларини аниқлаш бир нечта йұналишда олиб борилади: а) ҳажмли ифодалар – улар асосан тошқын сувларининг ҳажмини аниқлашыға қаратылған; б) жала ёғиннинг ёғиш жадаллігига асосланған ифодалар; в) максимал сув сатқараларининг ҳавза майдонига боелиқтігінде асосланған ифодалар.

Тошқын сувларининг ҳажмини аниқлашыға қаратылған усулнинг үзігі хос хусусияти – тошқын гидрографини түзіп мүмкінлігідір. Амалиётда кенг ишлатыладын Д.А. Соколовский ифодасини мисол қылса бўлади:

$$Q_{\max,p} = \frac{0.28(M - M_0) * \alpha * F}{f_k} * f * \delta * \delta^1 + Q_{fp}^1,$$

ифодада:  $M_0$  – тупроқни намлашга сарфланған ёғин миқдори;  $M$  – ёкқан ёғин қалинлиғи;  $\alpha$  – оқим коэффициенти;  $f$  – гидрограф формасини изоҳловчи коэффициент;  $\delta$ ,  $\delta^1$  – ҳавзанинг күллиліквада ботқоқларини

ифодаловчи коэффициентлар.  $Q_{\text{ГР}}$  – дарёning ер ости сувлари ҳисобига тўйинган миқдори.  $Q_{\text{ГР}} = M_0 F / 10^3$ .

Жала ёгиннинг ёғиш тезлигига асосланган ифодаларга мисол тариқасида биринчилар қаторига Австралиялик муҳандис Кестлин ифодасини кўрсатиш мумкин:

$$Q = K_p * a * \alpha * F,$$

бу ерда:  $a$  – жала ёмғирнинг ёғиш жадаллиги ( $a \approx 0,96 \text{ мм} / \text{мин}$ );  $K_p$  – ўлчам бирлиги коэффициенти,  $1 \text{ мм}/\text{мин}$  жадалликда бўлган ёғин 1 секда  $1 \text{ км}^2$  майдонда  $\frac{1}{10^3} * \frac{10^6}{60} = \frac{1000}{60} = 16.67 \text{ м}^3/\text{с}$  оқим ҳосил қиласди;  $\alpha$  – шимилишга сарфланган ёғинни изоҳловчи коэффициент. Шунда юқоридаги ифода соддороқ кўринишга келади:  $Q = 16 * \alpha * F$ .

Максимал сув сарфларининг ҳавза майдонига боғлиқлигига асосланган эмпирик ифодаларга П.Кресник, Джервис – Мейер, Д.Марионович, Ю.М.Денисов ва бошқалар таклиф этган ифодаларни киритиш мумкин.

П. Кресник тавсия қилилган ифода қўйидагича:

$$Q_{\text{max}, P} = \frac{32c * F}{0.5 + \sqrt{F}}, \text{ м}^3 / \text{с},$$

бу ерда:  $c$  – ҳавзанинг шаклига қараб  $0,6 - 6,0$  орасида тебранади.

Англия ва АҚШ да кенг қўлланиладиган Джервис – Мейер ифодаси нисбатан содда бўлиб,  $Q_{\text{max}} = c \sqrt{F}$  кўринишга эга.

Д. Марионович Югославиянинг тоғли ҳудуди учун  $q_{\text{max}} = \frac{750}{F^{1/43}}$ . кўринишдаги ифодани таклиф этган.

Р.К.Линслей Мексика қўлтиғига қуолувчи дарёлар ҳавзалари учун  $q_{\text{max}} = \frac{6000}{F^{0.87}}$  ифодани тавсия қилган.

Марказий Осиё ҳудуди дарёлари учун Ю.М.Денисов ифодаси

$$\Delta q = \frac{A}{F^{0.6}}, \text{ л/сек, } \text{км}^2,$$

бу ерда:  $A$  – параметр дарё ҳавзасининг шаклини белгиловчи коэффициентdir.

### **Синов саволлари:**

1. Текислик дарёларида эриган қор сувлари ҳисобига шаклланган  $Q_{max}$  ни ҳисоблаш учун Д.Л.Соколовский ифодасини көлтириңг.
2. Ўхшашлик (аналог) усули билан  $Q_{max}$  қандай ҳисобланади?
3. Ю.М.Денисов  $Q_{max}$  ҳисоблашда ўз ифодасига қайси элементларни кириптган?
4. Ёмғир сувлари ҳисобига шаклланган  $Q_{max}$  ни ҳисоблашда  $Q_{max} = f(F)$  боғланиш асосида тузилган эмпирик ифодага мисол көлтириңг
5. Джервис – Мейер эмпирик ифодасини ёзинг ва таҳдил қилинг.

### **1.10. Ўрта Осиё дарё ҳавзаларида эриган қор сувлари ҳисобига шаклланган максимал сув сарфлари**

Эриган қор ва муз сувлари ҳисобига шаклланувчи максимал оқим режимини белгиловчи омилларни шартли равишда 2 гурухга бўлиш тавсия қилинади; 1) қор эриш жадаллигини белгиловчи омиллар; 2) эриган сувларнинг дарё ўзанига етиб бориши жараёнини белгиловчи омиллар.

Қор эриш жараёнини белгиловчи омиллар орасида қор қоплами ва музлик юзаси иссиқлик мувозанатини белгиловчи қуёшнинг суммар радиацияси ва ҳавонинг ҳарорати алоҳида ўрин тутади. Бу ерда қор қатламидаги сув заҳирасининг ҳам аҳамияти катта.

Иссиқлик мувозанатига, шу билан бирга қор эриш жараёнига дарё ҳавзасининг рельеф тузилиши билан боғлиқ бўлган тоғ тизмалари ён бағирларининг экспозицияси, ўрмон билан бандлик даражаси, қор қатлами ва музлик юзаларининг қуёш нурларига қай ҳолатда жойлашганилиги кабилар таъсир кўрсатади.

В.Л.Шульц Марказий Осиё тоғ тизмалари ён бағирларида қор эриш жараёнини ўрганиши асосида қор қопламининг энг кўп эриган қатлами 1 соатда 15 мм га tengлигини аниқлади. Кўп тизмаларда бу қиймат 7–8 мм/соат гача кўзатилган бўлиб, ўрта ҳисобда 5,5 мм/соатни ташкил қилди.

Гидрологик – олимлар тадқиқотлари бўйича дарё ҳавзосининг ўрмон билан қопланган майдонининг ортиши қор эриш жадаллигининг камайганлиги аниқланган. Жумладан, В.Д. Комаров олиб борган изланишлар асосида  $55 - 56^0$  г.к.дан шимолда, очиқ майдонда қор эриш коэффициентини, яъни  $1^0$  ҳароратда  $5,0 - 5,2$  лардан (қулоқ игна баргли) бу коэффициент  $\alpha = 1,4 - 1,5$  мм/град гача ўзгарида. Шундай қилиб, ўрмонда қорнинг эриш жадаллиги очиқ майдонларга нисбатан  $2,7 - 1,25$  марта кичик экан.

Шуни таъкидлаб ўтиш жойизки, Марказий Осиё худуди учун бу омил у қадар таъсир кўрсатмайди, чунки қулоқ ўрмонзорлар камдан – кам жойни эгаллайди.

Дарё ҳавзасида эриган қор ва муз сувлари қор қопламини сув билан тўйинтиришга, бир қисми тупроқ – грунтга сингишга, ҳавзадаги кўл, водий ва ўзанларда сувнинг тўйинишига ва ниҳоят бугланишга сарфланади.

Максимал сув сарфларининг шакилланишини дарёнинг сув йифиш майдони ( $F_c$ ) билан максимал сув сарфларининг нисбий катталиги ( $M_{max}$ ) орасидаги боғланишни тадқиқот қилиш орқали ёритиш мумкин. В.Л.Шульц Марказий Осиёда олиб борган изланишлари натижасида қуйидаги ифодани тавсия этади:

$$M_{max}A - \varphi \quad (1)$$

бу ифодада  $A$  – жуда кичик майдонда руй берадиган оқимнинг элементар максимал қиймати:  $\varphi$  – дарё ҳавзаси майдонига боғлиқ бўлган редукция коэффициенти Агар  $F \rightarrow 0$  деб олсак, уолда

$$M_{max} = A. \quad (2)$$

чунки  $\varphi \rightarrow 0$ .

Қор эриш жараёни дарё ҳавзасини тўлиқ эгалламаган бўлса, унда (1) ифодага маҳсус коэффициент – ҳ критилади. Бу коэффициент ҳавза майдонининг қор эриёттан қисмини ( $f_0$ ) ҳавзанинг умумий майдонига ( $F$ ) нисбати билан аниқланади.

$$\psi = f_0 / F \quad (3)$$

Агар  $\phi = f(F)$  боғланишни  $\phi = 1/F$  ёки бўлмаса  $\phi = 1/(F+1)^n$  кўриушда ифодаласак, унда (1) ифода қўйидагича изоҳланади;

$$M_{max} = A/F^n \quad \text{ёки} \quad M_{max} = A / (F+1)^n \quad (4)$$

Рельефнинг тузилишидан қатъи назар (тоғлик ёки текислик) дарё ҳавзасининг майдони максимал оқимнинг нисбий қийматига ( $M_{max}$ ) таъсир кўрсатади ва унга боғлиқ бўлади. Шунинг учун В.Л. Шульц изоҳи бўйича гидрологик жиҳатдан ўрганилмаган дарёларнинг максимал оқимини аниқлашда  $M_{max} = f(F)$  боғланишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Олиб борилган тадқиқотлар асосида В.Л. Шульц Марказий Осиё худуди дарёлари бўйича  $M_0 = f(F)$  боғланиш графигини тузишга муваффақ бўлди. (1,а – расм). Расмдан кўриниб турибдики графикдаги нуқталарнинг жойлашиши ҳавза майдонининг ортиб бориши билан максимал модулнинг камайиб боради. Бу боғланишнинг бурчак коэффициенти 0,20 тенг бўлиб,  $M_0 = f(F)$  боғланиш қўйидагича ифодаланади:


$$M_{max} = A / F^{0.20} \quad (5)$$

Оқимнинг максимал қийматига ( $M_{max}$ ) ҳавза майдонидан ташқари дарёнинг нисбий сувлилиги ҳам ( $M_0$ ) таъсир қиласи: чунки у қор қопламишининг нисбийлик даражасини белгилайди. Марказий Осиёнинг тоғли қисми дарёлари учун  $M_{max} = f(M_0)$  боғланиш 1, б – расмда келтирилган. Бу боғланиш қўйидагича ифодаланади:

$$M_{max} = B \cdot M_0^{0.84}$$

Ўрта Осиё дарёлари учун  $M_{max} = f(F, M_0)$  боғланиш қўйидагича ифодаланади.

$$M = \frac{A_i \cdot M_0^{0.75}}{F^{0.15}}$$



1 - Рисунок 10. Наклонные окна ножницы созданы из вязко-пластичных материалов.  
 а) для ножниц (δ) расположенных вдоль оси.

## **1.11. Дарёларда кам сувли давр ва минимал оқим**

Дарёларда минимал оқим кам сувли даврга (меженъ) га, яъни дарёлар деярли ер ости сувлари ҳисобига тўйинган вақтга тўғри келади.

Дарё ҳавзаларининг табиий-географик шароитига қараб турли даврларда минимал оқим турли вақтга тўғри келади. Иқлим нам бўлган худудларда ( $x>z$ ) минимал оқим йилнинг қиши ойларида, қурғоқчил иқлимга ( $x<z$ ) эга бўлган худудларда эса минимал оқим ёзда кузатилади.

Минимал оқим миқдорини белгиловчи асосий омил бўлиб, дарёларнинг ер ости сувлари билан тўйиниш характери ҳисобланади. Айниқса ернинг устки (аэрация) қатламида, яъни биринчи сув ўтказмас қатламгача жойлашган сувларининг миқдорига боғлиқ бўлади. Ернинг бу қатлами фаол сув алмашиб қатлами деб юритилади.

Дарёларнинг минимал оқими ҳавзаларнинг кўллилик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, Болтиқ бўйи мамлакатлари ҳамда Россиянинг Карелия Автоном республикаси ва Кола ярим оролини олсак, бу ерларда кўллар кенг тарқалган бўлиб, дарёларнинг сув режимига таъсир кўрсатади. Россия Европа қисмининг тундра минтақасида иқлимнинг нам ва ўта нам бўлганлиги учун ер ости сувларининг жойлашиши чуқур бўлмаганлиги сабали кўллар ва ботқоқликлар кенг тарқалган. Бу худуддаги дарёларнинг минимал оқими яхши таъминланган бўлиб, нисбатан катта миқдорларни ташкил қиласди. Бу дарёларда оқимнинг минимал қиймати йилнинг қиши фаслига тўғри келади, натижада аёз совуқ даврлар ўрта ва кичик дарёларнинг ўзан тагигача музлани кузатилади.

Тундра минтақасидан жанубга томон, яъни ўрмон, чала – ўрмон, чўл минтақаларига ўтганимиз сари ер ости сувларининг жойлашиш чуқрлиги ортиб боради. Бу худуд дарёларида оқимнинг энг кичик қийматлари фақат қиши ойларидагина эмас, балки ёзда ҳам кузатилади.

Ҳавзалари тоғли худудларда жойлашган дарёларда кам сувли давр куз-қиши мавсумига тўғри келади, натижада оқимнинг минимал миқдорлари ҳам шу ойларга тўғри келади. Лекин, паст тоғлар ёки тоғ этакларидан бошланадиган минимал оқим ёз ойларига тўғри келади.

## **1.12. Кам сувли давр (меженъ) тавсифлари ва минимал оқимни ҳисоблаш**

Кам сувли давр тавсифлари аниқлашда унинг қуидаги элементлари аниқланади:

1. Кам сувли даврнинг бошланиши санаси ( $t_b$ ), яъни бу сана тўлин сув даврининг тугаши вақтига тўғри келади;

2. Кам сувли даврнинг тугаши санаси ( $t_m$ ), бу сана тўлин сув даврининг бопланиши вақтига мослаб олинса, ҳатто бўлмайди;

3. Кам сувли даврнинг давом этиш муддати кам сувли даврнинг бошланиши ва тугаши сонлари орасидаги кунлар сони билан белгиланади;

4. Кам сувли даврда ўртача кўп йиллик сув сарфи, оқим модули, ҳамда оқим қалинлиги;

5. Ўртача суткали энг кичик сарфи, оқим модули;

6. Ойлик минимал оқимнинг ўзгарувчанлик ва асимметрия коэффициентлари, керакли тамиланишдаги ўртача ойлик минимал сув сарфлари ( $r = 80\%, 90\%, 95\%, 99\%$ ).

Юқорида санаб ўтилган кам сувли даврнинг асосий элементларини гидрологик маълумотлар етарлича бўлгани, алоҳида йиллар кундалик сув сарфларининг тебраниш графиги, яъни гидрограф чизилади. Гидрограф ёрдамида кам сувли давр элементларининг аниқлигини янада ишочли қилиш мақсадида, графикка ўртача суткали ҳавонинг ҳарорати ва ёғин – сочин қийматлари жалб этилади. Кам сувли давр элементларини аниқлаш йўли тўлин сув давр элементларини аниқлаш каби олиб борилади. Алоҳида йиллар учун аниқланган кам сувли давр элементлари асосида уларнинг ўртача кўп йиллик қийматлари аниқланади. Гидрологик ўрганилган, яъни етарлича узун қатор бўйича энг кам ўртача ойлик сув сарфлари гидрологик каталоглард (ОГХ) келтирилган бўлиб улар асосида ўртача ойлик минимал оқимнинг ўзгарувчанлик ва асимметрия коэффициентлари аниқланади.

Ўрганилмаган дарёлар бўйича ўртача ойлик минимал оқимини аниқлаш учун минимал оқим қатлами ( $h_{min}$ , мм) ве дарё ҳавzasининг ўртача баландлиги орасидаги боғланиш графиги [ $h_{min}$ ,  $mm=f(H_{урт})$ ] дан фойдаланиш тавсия қилинади.

Үрта Осиё дарёлари бўйича мазкур боғланиш графиклари «Ресурсы поверхностных вод» каталогларида алоҳида йирик ҳавзалар учун келтирилган.

Ҳавзалари текислик худудларида жойлашган дарёлар бўйича ўртacha ойлик минимал оқимини ( $Q_{min}$ ) аниқлаш учун ГГИ карталари тавсия қилинади. Бу карталар минимал оқимнинг 80%ли таъминланишдаги қийматлари асосида тузилган. Керакли таъминланишдаги минимал оқимни ( $Q_{min, \%}$ ) аниқлаш учун  $\lambda p, \%$  коэффициентидан фойдаланилади (унинг қийматлари маҳсус қўлланмада келтирилган).

$$Q_{min,\%} = \lambda p, \% \cdot Q_{min, 80\%}.$$

## II. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

1—амалий машғулот

### Оқимнинг йил давомида тақсимланишини ҳисоблаш

Календар даврларда, фаслларда ва фасллар ичида (ўн якунликлар, ҳафтагалар, кунлар) дарё оқимининг йил давомидаги ҳолати қонуниятларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятта эга. Улар асосида турли ҳил сув хўжалиги мақсадларида сув омборларидан фойдаланиш режалари тузилади ва сув омбори каби гидротехник иншоотларнинг параметрлари аниқланади. Ушбу мавзуда оқимнинг йил давомида календар вақт бўйича тақсимланишини ҳисоблашнинг асосий йўли – жойлаштириш (компановка) усули эканлиги кўрсатиб ўтилган. Узоқ муддатли кузатишлар (25 йилдан кам бўлмагандан) мавжудлигига йил давомида оқимнинг ҳисобли тақсимланишини **амалдаги йил** усули билан аниқланади. Лойиҳада кўрсатилишича сувни сарфлаш йил давомида кам ўзгарса, унда ҳар кунлик сув сарфларининг давом этиш эгри чизигини қўлласа бўлади. Ушбу амалий машғулотларнинг мақсади талабаларга дарё оқимининг йил ичида тақсимланишини баҳолаш усулларини ўргатишдан иборатdir.

Ҳисоблашлар қуийдаги уч ҳолат учун олиб борилади:

I. Дарё оқимининг йил давомида тақсимланишини гидрометрик маълумотлар етарлича узун қатор бўлганда баҳолаш;

II. Гидрометрик маълумотлар қисқа қатор бўлганда дарё оқимининг йил давомида тақсимланишини баҳолаш;

III. Гидрометрик маълумотлар умуман бўлмаган ҳолат учун оқимнинг йил давомида тақсимланишини баҳолаш;

#### 1.1—топшириқ

##### Дарё оқимининг йил давомида тақсимланишини гидрометрик маълумотлар бўлганда баҳолаш

**I. Берилган:** Варзоб дарёсининг Дагана қишлоғи яқинида жойлашган гидроствор 1948–1967 йиллар даври учун ўртача ойлик сув сарфлари (1 – жадвал).

**II. Талаб қилинади:**

1. Варзоб дарёси учун алоҳида ойлар бўйича ўртacha кўп йиллик қийматлари, оқим характеристикаларининг турли бирликларда изоҳлаш;

2. Йиллик оқимнинг 80 % ли таъминланишдаги оқимнинг маълум реал йил учун таққосланиши;

3. Ўртacha кўп йиллик оқимга нисбатан кўп сувли, кам сувли ва ўртacha сувли йиллар учун оқимнинг йил ичидаги тақсимланиши.

### **Топшириқни бажариш тартиби.**

1.1. Варзоб (Дагана қишлоғи) дарёси бўйича ойлик ва ўртacha йиллик сув сарфлари(1 – жадвалда келтирилган).

1.1 – жадвал

№	йил	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
1.	1948	11,2	11,5	20,7	84,3	107	105	104	58,7	26,6	15,3	11,6	11,6	47,3
2.	1949	12,3	12,5	27,1	95,5	132	119	127	71,5	36,5	19,8	13,7	10,6	56,5
3.	1950	11,5	10,9	23,3	35,6	99,0	118	96,6	58,7	28,7	14,3	10,8	9,59	43,0
4.	1951	9,2	29,2	417,7	42,7	89,1	74,6	66,7	45,2	25,0	22,3	22,1	15,9	36,6
5.	1952	15,1	20,8	34,1	106	139	140	124	74,0	34,7	19,5	15,0	12,9	61,3
6.	1953	11,7	15,9	39,4	63,9	108	118	100	52,5	29,4	20,2	23,4	23,4	50,5
7.	1954	18,9	18,3	35,1	83,2	107	141	116	76,7	41,9	20,1	13,6	10,3	56,8
8.	1955	8,2	18,7	130,0	44,0	89,8	98,2	72,9	55,4	27,7	14,5	10,6	9,56	39,1
9.	1956	5,2	9,1	10,0	23,0	76,0	102	79,0	81,5	44,1	24,5	12,8	9,35	7,48
10.	1957	7,77	7,57	18,0	33,6	57,2	87,4	66,5	39,5	21,1	14,4	12,1	13,4	31,5
11.	1958	13,6	14,7	34,6	110	104	126	127	70,7	37,3	18,4	13,6	13,0	56,9
12.	1959	11,3	11,4	30,4	88,1	93,8	118	95,6	59,0	33,7	16,8	12,2	10,7	48,4
13.	1960	9,54	13,6	24,4	49,6	109	129	117	64,3	28,4	17,2	13,7	11,9	48,9
14.	1961	10,1	19,2	20,2	248,0	86,7	84,3	67,9	45,4	25,8	14,0	11,6	10,4	36,1
15.	1962	9,86	12,6	22,3	345,9	68,9	94,3	83,2	45,8	28,0	15,8	14,1	13,3	37,8
16.	1963	13,6	16,2	27,0	16,6	88,6	125	85,6	48,9	26,3	16,3	14,5	12,7	45,1
17.	1964	11,4	12,8	36,5	104	124	146	127	79,0	36,7	18,5	14,2	12,9	39,8
18.	1965	12,8	13,1	20,3	47,2	95,0	98,9	70,5	46,6	25,0	16,8	18,5	13,3	39,8
19.	1966	11,8	16,4	31,1	54,6	89,3	111	80,7	50,0	28,2	18,9	13,0	12,0	43,1
20.	1967	11,1	12,9	22,5	54,6	82,3	123	85,2	53,8	28,5	18,8	14,0	13,2	43,3
	Ўрта	11,4	12,9	26,9	64,2	98,6	112	94,7	56,7	29,7	17,2	14,1	12,4	46,1

Варзоб – Дагана қишлоғи створи бўйича оқимнинг алоҳида ойлар бўйича тақсимланиши, оқим

характеристикаларнинг турли бирликларидағи изоҳларини 2 – жадвалда көлтиридик.

### 1.2 – жадвал.

Ойлар Элементлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
$Q_{\text{үрт.}} \text{ м}^3/\text{с}$	11,4	12,9	26,9	64,29	8,6	112	94,7	56,7	29,7	17,2	14,1	12,4	46,1
$Q, \%$	2,06	2,37	4,90	11,6	17,8	20,3	17,1	10,25	4,23	1,62	2,59	2,24	100
$W, 10^3 \text{ м}^3$	30,5	31,2	72,1	166	264	290	254	152	76,9	46,1	36,5	33,2	1452
$h, \text{мм}$	24,1	24,6	56,8	91,6	208	228	200	120	60,6	36,3	328,8	26,2	1143
$M, \text{л/сек км}^3$	8,9	8,10	22,1	650,6	77,6	88,2	74,6	44,6	23,4	13,5	11,1	19,7	36,3

1.2. Йиллик оқимнинг 75 % ли таъминланиш қийматини  $C_v=0,21$ ,  $C_s=2C_v$ ,  $K_{75\%}=0,851$  бўлганда

$$Q_{75\%} = K_{75\%} \cdot \bar{Q} = 0,851 \cdot 46,1 = 39,2 \text{ м}^3/\text{с}$$

1.3. 80 % ли таъминланишдаги сув сарфи қийматига нисбатан кам, ўрта ва кўп сувли йиллар учун оқимнинг йил давомида тақсимланиши 4 – жадвалда көлтирилган.

Бизга маълумки, Варзоб – Дагана қишлоғи йиллик оқимининг ўзгарувчанлик коэффициенти  $C_v=0,21$  га тенг эди.

Шунда  $C_s=2C_v$  да  $K_{80\%}=0,822$ ;  $\bar{Q}=46,1 \text{ м}^3/\text{с}$ .

$$Q_{80\%} = K_{80\%} \cdot \bar{Q} = 0,822 \cdot 46,1 = 37,9 \text{ м}^3/\text{с}$$

Бу қийматга мос келувчи реал 1962 йил, чунки ўртacha йиллик сув сарфи  $Q = 37,8 \text{ м}^3/\text{с}$  га тенг.

### 1.3 – жадвал.

Ойлар Элементлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
$Q_{\text{үрт.}} \text{ м}^3/\text{с}$	8,2	18,7	130,0	44,0	89,8	98,2	72,9	55,4	27,7	14,5	10,6	9,56	39,1
$Q, \%$	1,75	1,86	6,39	3,81	9,12	20,9	15,5	11,85	9,03	2,09	2,26	2,04	100
$W, 10^3 \text{ м}^3$	22,0	21,1	80,4	114	241	254	195	148	71,7	738,9	927,4	25,6	1233
$h, \text{мм}$	17,3	16,6	63,3	89,8	189	200	154	117	56,5	30,6	21,6	20,2	9,71
$M, \text{л/сек км}^3$	6,4	6,5	23,6	34,6	70,7	77,3	57,4	43,6	21,8	11,4	8,35	7,53	30,8

а) кам сувли йил – 1957 йил  $Q_{\text{үрт.}} = 31,54 \text{ м}^3/\text{с}$

Ойлар Элементлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
$Q_{\text{үрт}} \text{ м}^3/\text{с}$	7,77	7,57	18,0	33,6	57,2	87,4	66,5	39,5	21,1	14,4	12,1	13,4	31,5
$Q, \%$	2,06	2,00	4,76	8,89	15,1	23,1	17,6	10,4	5,58	3,81	3,20	3,55	100
$W, 10^3 \text{ м}^3$	20,8	18,3	48,2	87,0	153	226	178	106	54,6	38,6	31,3	35,9	993
$h, \text{мм}$	16,4	14,4	37,9	68,5	121	178	140	83,4	43,0	30,4	24,7	28,3	782
$M, \text{л/сек}$ $\text{км}^3$	6,12	5,96	14,2	26,5	45,0	68,8	52,4	31,1	16,4	11,3	9,53	10,6	24,8

б) ўртаса сувли йил – 1962 йил  $Q_{\text{үрт}} = 37,8 \text{ м}^3/\text{с}$

Ойлар Элементлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
$Q_{\text{үрт}} \text{ м}^3/\text{с}$	9,86	12,6	22,3	45,9	68,9	94,3	83,2	45,8	28,0	15,8	14,1	13,3	37,8
$Q, \%$	2,17	2,78	4,92	10,1	15,2	20,8	18,3	10,1	6,17	3,48	3,11	2,93	100
$W, 10^3 \text{ м}^3$	26,4	30,5	59,8	119	185	244	222	123	42,5	53,2	53,6,5	35,6	1192
$h, \text{мм}$	20,8	24,0	47,1	93,6	145	192	176	96,6	57,1	33,3	28,8	28,1	937
$M, \text{л/сек}$ $\text{км}^3$	0,78	0,99	1,76	3,61	5,43	7,43	6,55	3,61	2,20	1,24	1,11	1,05	2,98

в) кўп сувли йил – 1952 йил  $Q_{\text{үрт}} = 61,3 \text{ м}^3/\text{с}$

Ойлар Элементлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
$Q_{\text{үрт}} \text{ м}^3/\text{с}$	15,1	20,8	34,1	106	139	140	124	74,0	34,7	19,5	15,0	12,9	61,3
$Q, \%$	2,05	2,83	4,64	14,4	18,9	19,0	16,9	10,1	4,72	2,65	2,04	1,75	100
$W, 10^3 \text{ м}^3$	40,5	50,3	91,4	274	372	363	332	198	90,0	52,3	38,9	34,6	1933
$h, \text{мм}$	31,9	39,6	71,9	216	293	286	262	156	70,8	41,1	30,6	27,2	1522
$M, \text{л/сек}$ $\text{км}^3$	9,06	16,4	26,8	83,5	109	110	97,6	58,3	27,3	15,4	11,8	10,2	48,3

### 1.2.– топшириқ. Жойлаштириш (компоновка) усули билан чегарланган давр (Х–II) учун оқимнинг йил ичига тақсимланишини ҳисоблаш

Оқимнинг йил давомида тақсимланиши турига ва сувдан фойдаланиш мақсадлариға боғлиқ ҳолда даврлар чегараланган деб қабул қилинади. Сув етишмаслик даври (лимитирующий сезон) оқимдан фойдаланишда шундай мушкул даврки, бунда сув хўжалиги мосламалари ишлashinga

ноқулай шароит кузатилади. Сув етишмаслик даври ичидә сув етишмаслик мавсумини ажратиш мүмкін. Баҳорги сув тошқини мавжуд дарёларда, улардан энергия мақсадларида фойдаланилғанда икки даврни ажратса бўлади: серсув – баҳор фасли ва камсувли – сув тақчил ойлари киради. Бу ҳолатда сув миқдори чегаралангандан давр ўз ичига сув тақчил ойларни (ёз, куз – қиши) олади.

ГЭСлар иши учун энг ноқулай шароит қишида кузатилади. Шунинг учун қиши фаслида сув миқдори чегаралангандан ҳисобланади. Суғориш учун ишлатиладиган баҳорги сув тошқини мавжуд дарёларда чегаралангандан бўлиб сув тақчил ойлар ҳисобланади.

**I. Берилган:** Варзоб дарёсининг Дагана қишлоғи яқинидаги гидроствор бўйича 1948 – 1962 йиллар учун, чегаралангандан давр (Х – II) ойларнинг ўртача сув сарфи.

## **II. Талаб қилинади:**

1. Ойлик сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффициентлари ҳисоблансин;
2. Ойлик сув сарфларининг 95 % ли миқдорлари аниқлансин.

## **Топшириқни бажариш тартиби.**

1. Варзоб дарёси Дагана қишлоғи створи бўйича чегаралангандан давр (Х, XI, XII, I, II) учун каталогдан 1947 – 1987 йиллар ойлик сув сарфлари кўчирилади (1.4. – жадвал). Сўнг алоҳида ойлар бўйича ойлик сув сарфларининг ўртача кўп йиллик миқдорлари аниқланади.

Ҳар бири учун алоҳида ўзгарувчанлик коэффициентлари " $C_v$ " аниқланади. Мисол тариқасида октябр ойи сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффициентини ҳисоблаш жадвали келтирилган (1.5. – жадвал). Шу сингари қолган ойлар ҳам ҳисобланади. Ҳисоблашлар натижалари 1.4. – жадвалда келтирилган.

1.4 – жадвал.

Варзоб (Дагана қишил.) дарёси чегараланган давр (Х – II)  
учун ойлик сув сарфлари.

№	Ой Йил	X	XI	XII	I	II
1.	1948	15,3	11,6	11,6	11,2	11,5
2.	1949	19,8	13,7	10,6	12,3	12,5
3.	1950	14,3	10,8	9,59	11,5	10,4
4.	1951	22,3	22,1	15,9	9,22	9,24
5.	1952	19,5	15,0	12,9	15,1	10,8
6.	1953	20,2	23,4	23,4	11,7	15,9
7.	1954	20,1	13,6	10,3	18,9	15,3
8.	1955	14,5	10,6	9,56	8,21	8,71
9.	1956	12,5	9,35	7,48	8,29	10,0
10.	1957	14,4	12,1	13,4	7,77	7,57
11.	1958	18,4	13,6	13,0	13,6	14,7
12.	1959	16,8	12,2	10,7	11,3	11,4
13.	1960	17,2	13,7	11,9	9,54	13,6
14.	1961	14,0	11,6	10,4	10,1	9,29
15.	1962	15,8	14,1	13,3	9,86	12,6
16.	1963	16,3	14,5	13,3	13,2	16,2
17.	1964	18,5	14,2	12,7	11,4	12,8
18.	1965	16,8	18,5	12,9	12,8	13,1
19.	1966	18,9	13,0	12,0	11,8	16,4
20.	1967	18,8	14,0	13,2	11,1	12,9
Q <sub>ўрт</sub> , м <sup>3</sup> /с		17,2	14,1	12,4	11,4	12,9
C <sub>v</sub>		0,15	0,25	0,26	0,23	0,26
K <sub>95</sub> %		0,769	0,630	0,617	0,657	0,617
Q <sub>95</sub> %, м <sup>3</sup> /с		13,2	8,88	7,65	7,49	7,96

2. Ойлик сув сарфларини 95 % ли таъминланишдаги миқдорини аниқлаш учун ҳар бир ойлик сув сарфларининг ўзгарувчанлик коэффициентлари мавжуд. Фостер – Рибкин жадвалида C<sub>v</sub>, C<sub>s</sub>=2C<sub>v</sub> лар асосида K<sub>95%</sub> ни аниқлаймиз. Керакли таъминланишдаги сув сарфини

$$Q_{95\%} = K_{95}^D * Q_{ўрт}$$

ифода ёрдамида ҳисоблаймиз. Ҳисоблаш натижалари 1.4. – жадвалда келтирилган.

1.5 – жадвал

Варзоб – Дагана қишло. X (октиябр) сув сарфлари.

№	$Q, \text{ м}^3/\text{с}$	$Q$ кам. Тарт.	$K = \frac{Q}{Q}$	$K - 1$	$(K - 1)^2$
1.	15,3	22,3	1,30	0,30	0,0900
2.	19,8	20,2	1,17	0,17	0,0289
3.	14,3	20,1	1,17	0,17	0,0289
4.	22,3	19,9	1,15	0,15	0,0225
5.	19,5	19,5	1,13	0,13	0,0169
6.	20,2	18,9	1,10	0,10	0,0100
7.	20,1	18,8	1,09	0,09	0,0081
8.	14,5	18,5	1,08	0,08	0,0064
9.	12,8	18,4	1,07	0,07	0,0044
10.	14,4	17,2	1,00	0,0	0,0
11.	18,4	16,8	0,98	-0,02	0,0004
12.	16,8	16,8	0,98	-0,02	0,0004
13.	17,2	16,3	0,95	-0,05	0,0025
14.	14,0	15,8	0,92	-0,08	0,0064
15.	15,8	15,3	0,89	-0,11	0,0121
16.	16,3	14,5	0,84	-0,16	0,0256
17.	18,5	14,4	0,83	-0,17	0,0289
18.	15,8	14,3	0,83	-0,17	0,0289
19.	18,9	14,0	0,81	-0,19	0,0361
20.	18,89	12,8	0,74	-0,26	0,0676
$\Sigma$					0,4255
Үрт		17,2			

$$C_v = \sqrt{\frac{\sum(K-1)}{n-1}} = \sqrt{\frac{0,4255}{20-1}} = \sqrt{0,0636} = 0,25.$$

1.3 – топширик. Гидрометрик маълумотлар қисқа қатор бўлган ҳолда оқимнинг йил давомига тақсимланишини ҳисоблаш.

**I. Берилган:** Варзоб дарёсининг Дагана қишлоғи яқинида жойлашган гидростровор 1948 – 1967 йилларда кузатилган кўп йиллик ўртача ойлик сув сарфларининг  $\text{м}^3/\text{с}$  даги ҳамда % ли қийматлари (1.1 – жадвал).

**II. Талаб қилинади:** Варзоб дарёси Гушари қишлоғи гидроствори бўйича умуман гидрометрик маълумотлар йўқ деб қабул қилиб, аналог дарё маълумотлари асосида оқимнинг йил давомида, яъни ойлар бўйича тақсимланишини аниқлаш.

### Топшириқни бажариш тартиби.

1. Аналог қилиб қабул қилинган – Варзоб дарёсининг Дагана қишлоғи яқинидаги маълумотлар, яъни 1948 – 1967 йиллар бўйича олинган ўртacha ойлик сув сарфлари ва фоизли қийматлари ҳиссоланади. Ҳисоблаш натижаси (1.6 – жадвалда келтирилган).

1.6 – жадвал

Ойлар Элементлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
$Q_{\text{урт.}}$ , м <sup>3</sup> /с	11,4	12,9	26,9	64,2	98,6	112	94,7	56,7	29,7	17,2	14,1	12,4	46,1
$Q$ , %	2,06	2,37	4,90	11,6	17,8	20,3	17,1	10,2	5,42	3,16	2,59	2,24	100

1.6 – жадвалда келтирилган аналог ҳисобланган Варзоб дарёсининг Дагана қишлоғи яқинидаги гидроствор бўйича кузатилган маълумотлар асосида ҳисобланган ойлик сув сарфларининг йиллик оқимга нисбатан фоизли қийматларни асос қилиб олган ҳолда Варзоб дарёсининг Гушари қишлоғи учун ойлик сув сарфларини аниқлаймиз. Бунинг учун бизга 4 – амалий машғулотдан ўртacha кўп йиллик сув сарфи  $Q_0 = 31,6$  м<sup>3</sup>/с, ва ҳавза майдони  $F_x = 741$  км<sup>2</sup> лар керак бўлади. Ҳисоблаш натижаси 1.7 – жадвала келтирилган.

$$Q_0 = 31,6 \text{ м}^3/\text{с}, F_x = 741 \text{ км}^2$$

1.7 – жадвал.

Ойлар Элементлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
$Q$ , %, $a$	2,06	2,37	4,90	11,6	17,8	20,3	17,1	10,2	5,42	3,16	2,59	2,24	100
$Q_x$ , м <sup>3</sup> /с	7,81	8,99	18,6	44,0	56,1	77,0	64,8	38,7	20,6	12,0	9,82	8,49	31,6
$W$ , 10 <sup>3</sup> м <sup>3</sup>	20,9	21,8	49,8	114	150	199	174	104	53,4	32,2	25,4	22,8	995
$h$ , мм	28,2	29,4	67,3	154	203	269	234	140	72,0	43,4	34,3	30,7	1343
$M$ , л/сек км <sup>3</sup>	10,5	12,1	25,1	59,4	75,7	104	87,4	52,2	27,8	16,2	13,3	11,5	42,6

**1.4 – топшириқ. Гидрометрик маълумотлар бўлмаганда оқимнинг йил давомига тақсимланишини ҳисоблаш.**

## I. Берилган:

- Текислиқдаги Казанка дарёси;
- Тоғли ҳудудда жойлашган Варзоб дарёси.

## II. Талаб қилинади:

Оқимнинг йил давомида тақсимланишини Б.Д.Зайков харитаси ёрдамида; Д.Л.Соколовский харитаси ёрдамида.

Тоғли ҳудудда жойлашган Варзоб (Гушари қишло.) дарёси учун В.Л.Шулық ифодаси билан ҳисоблаш.

### Топшириқни бажариш тартиби.

а) Б.Д.Зайков усули.

Б.Д.Зайков харитасида оқимнинг фоизли қийматлари изочизиқлар кўринишида бўлиб, ёз, куз, қиш, баҳор учун алоҳида хариталари мавжуд. Казанка – (Қозон шаҳри) дарёси ҳавзаси оғирлик марказининг географик координаталари  $\phi = 55^{\circ} 53'$ ,  $\lambda = 49^{\circ} 12'$ ,  $F_x = 2370 \text{ км}^2$ , оқим меъёри –  $10,7 \text{ м}^3/\text{с}$ , оқим модули –  $4,5 \text{ л/сек км}^2$ .

Б.Д.Зайков усули билан ҳисоб 1.8 – жадвалда келтирилган.

1.8 – жадвал

Мавсум Харак-ка	Ёз (VII – III)	Куз (IX – XI)	Киш (XII – II)	Баҳор (III – IV)	Йил
$Q, \text{ а}$	7,8	13,0	7,2	72	100
$Q, \text{ м}^3/\text{с}$	4,91	5,58	3,12	23,1	10,7
$W, 10^3 \text{ м}^3$	26,3	43,9	24,3	242	337

Казанка (Қозон ш.) дарёси учун ойлар бўйича тақсимланишини тиклаш учун Б.Д.Зайков томонидан тавсия қилинган типик жадвалдан фойдаланамиз. Бу жадвалда оқимнинг ойлар бўйича тақсимланиши ўртача меъёрга нисбатан улушларда берилган. Улушлардан оқимнинг абсолют миқдори –  $Q, \text{ м}^3/\text{с}$  га ўтилади. Ҳисоблаш йўли 1.9 – жадвалда келтирилган.

б) Д.Л.Соколовский харитаси ёрдамида Казанка (Қозон даҳри) дарёси оқимининг йил давомида тақсимланишини сиңиқлаш.

1.9 – жадвал.

Ойлар Элементлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
K, % да	30	25	100	540	180	60	50	35	35	50	60	40	100
Q, м <sup>3</sup> /с	3,20	2,68	10,7	57,6	19,2	6,40	5,33	3,74	3,74	5,33	6,40	4,27	10,7
W, 10 <sup>3</sup> м <sup>3</sup>	8,58	6,49	23,7	14,9	49,7	16,6	14,5	10,0	9,69	14,2	16,6	11,4	337
M, л/сек км <sup>3</sup>	1,35	1,13	4,50	2,43	8,10	2,70	2,25	1,58	1,58	2,25	2,70	1,80	4,5
h, мм	3,62	2,74	12,1	6,29	20,9	6,99	6,03	4,23	4,09	6,03	6,99	4,83	142

Д.Л.Соколовский йилнинг ёз (VII – IX), куз (X – XI), киш (XII – II) ойлари учун хариталарни тавсия қилиб, унда оқим л/сек км<sup>2</sup> даги изочизиқлар орқали берилган. Баҳор сасли учун оқим қуийдагича аниқланади.

$$W_{III-VI} = W_{шал} - (W_{ёз} + W_{киш} + W_{куз}).$$

Соколовский усули билан ҳисоблаш йўли 1.10 – жадвалда келтирилган. Ҳисоб Казанка дарёси учун, яъни дарё ҳавзасининг майдони  $F = 2370 \text{ км}^2$ ,  $\phi = 55^0 53'$ ,  $\lambda = 49^0 12'$  лар асосида олиб борилади.

1.10 – жадвал

Мавсум жарак-ка	Ёз (VII – IX)	Куз (X – XI)	Киш (XII – II)	Баҳор (III – VI)	Йил
M, л/сек км <sup>3</sup>	3,0	3,0	1,5	8,64	4,04
Q, м <sup>3</sup> /с	7,11	7,11	3,56	20,47	10,7
W, 10 <sup>3</sup> м <sup>3</sup>	56,5	37,5	27,7	215,8	337
h, мм	23,8	15,8	11,7	91,0	142

в) Ҳавзалари тоғли худудда жойлашган дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланишини ҳисоблаш.

Марказий Осиё толди ўлкаси дарёлари оқимининг йил давомида тақсимланишини ҳисоблаш учун В.Л.Шульц ғилади.

Улар қуийдагилар:

$$\delta = B \cdot H_{урт}^{3,30}, \quad W_{VII-IX} = D \cdot H_{урт}^{2,19}$$

Гидрометрик маълумотлар бўлмаганда бизнинг мисолимизда Варзоб – Гушари қишил створи бўйичча ҳисоблаш учун аналог дарё характеристикаларидан фойдаланилади.

Варзоб – Дагана қишил (аналог) учун

$$\delta_a = \frac{W_{VII-IX}}{W_{III-VI}} = 0,61$$

Ҳисоблаш створи – Варзоб – Гушара қишил учун.

$$B_x = \frac{\delta_a}{H_{урм}^{3,30}} = \frac{0,61}{2,680^{3,30}} = \frac{0,61}{25,87} = 0,023$$

$$D_x = \frac{W_{VII-IX,a}}{H_{урм}^{2,19}} = \frac{33,2}{2,680^{2,19}} = \frac{33,2}{8,66} = 3,83$$

Ниҳоят, Варзоб – Гушари қишил (ҳисоблаш) створи бўйичча  $\delta_a$  ва  $W_{VII-IX}$  параметрларни ҳисоблаймиз.

$$\delta_{x_m} = 0,023 \cdot 3,020^{3,30} = 0,023 \cdot 38,37 = 0,88$$

$$W_{VII-IX} = D_x \cdot H_{урм}^{2,19} = 3,83 \cdot 3,020^{2,19} = 3,83 \cdot 11,25 = 43,1$$

$\delta_x = 0,88$ ;  $W_{VII-IX}$ ,  $x = 43,1$  лар асосида маҳсус номограммалардан фойдаланиб, алоҳида ойлар бўйича оқимни фоизларда аниқлаймиз. Ҳисоблаш йўли 111 жадвалда келтирилган.

1.11 – жадвал.

$F_x = 741 \text{ км}^2$

Ойлар Харак-ка	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	йил
Q, %	1,3	1,4	1,4	4,0	16	27	23	14	5,5	3,3	1,6	1,5	100
Q, $\text{m}^3/\text{s}$	4,93	5,31	5,31	15,2	60,7	102	87,2	53,1	20,8	12,5	6,06	5,69	31,6
W, $10^3 \text{ м}^3$	13,2	12,8	14,2	39,4	163	264	234	142	53,9	33,5	15,6	15,2	997
h, мм	17,8	17,3	19,2	53,2	220	356	312	192	72,7	45,2	21,0	20,6	1345
M, л/сек $\text{км}^3$	6,65	7,16	7,16	20,5	81,9	138	118	71,6	28,1	16,9	8,18	7,68	42,6

### **1.5. топшириқ. Суткали сув сарфларининг абсолют таъминланиш эгри чизигини чизиш**

**I. Берилган:** 1. Варзоб дарёсининг Дагана қишлоғи яқинида жойлашган гидростроя кузатилган кундалик сув сарфлари.

2. Варзоб дарёсининг Гушари қишлоғи яқинида жойлашган гидропости бўйича сув йигиши майдони  $F = 741 \text{ km}^2$ , оқим меъёри  $Q_0 = 30,3 \text{ m}^3/\text{s}$

#### **II. Талаб қилинади:**

1. Варзоб дарёсининг Дагана қишлоғи яқинида жойлашган гидростроя кузатилган суткали сув сарфларининг абсолют таъминланиш эгри чизигини чизиш.

2. Гидрометрик маълумотлар бўлмаганда сув сарфининг ўртача таъминганлик эгри чизигини чизиш.

#### **Топшириқни бажариш тартиби.**

Суткали сув сарфларининг абсолют таъминланиш эгри чизигини чизиш.

Маълум бир дарёning суткали сув сарфларининг таъминланиш эгри чизигини тузиш учун кузатилган давр бўйича алоҳида йиллар учун суткали сув сарфлари бўлиши лозим. Алоҳида йиллар учун суткали сув сарфлари камайиши тартибида жойлаштирилади. Мазкур жадвалдан маълум таъминланишдаги сув сарфлари олинади. Жумладан «ОГХ» да алоҳида кузатилган йиллар бўйича 30, 90, 180, 270 ва 355 кунларга тўғри келувчи таъминланган сув сарфлари берилган. Бундан ташқари таъминланиши эгри чизигини тузиш учун ҳар бир йил учун ўртача йиллик, максимал ва минимал сув сарфлари ҳам бўлмоғи лозим.

Кузатиш йиллари бўйича юбқорида белгиланган сув сарфлари 1.12 – жадвалда келтирилган тартибда ёзилади ва унганинг ўртача арифметик қийматлари аниқланади.

## 1.12 – жадвал.

Варзоб – қишил. Дагана бўйича характерли сув сарфлари  
(м<sup>3</sup>/сек)

№	йил	Ўртacha йиллик	Макси – мал қиймат	п кунлар мобайнида таъминланган сув сарфлари					Мини – мал қиймат
				n=30	n=90	n=180	n=270	n=355	
1.	1943	51,2	165	125	91,0	32,0	16,5	12,8	12,0
2.	1944	36,8	239	83,0	62,0	23,5	12,9	10,3	9,60
3.	1945	49,1	238	115	86,8	32,9	14,5	11,3	9,80
4.	1946	40,4	337	89,4	68,0	26,2	13,3	9,33	9,00
5.	1947	37,8	194	90,4	59,7	26,2	12,8	9,60	8,20
6.	1948	47,3	201	111	95,4	21,7	12,1	10,7	9,00
7.	1949	56,5	264	136	104	29,9	13,5	10,0	8,80
8.	1950	43,0	173	115	78,5	24,2	11,3	8,94	6,65
9.	1951	36,6	256	82,2	56,2	25,9	16,2	8,47	6,05
10.	1952	61,3	454	144	109	33,6	17,0	12,4	10,7
11.	1953	50,5	151	118	79,8	32,2	20,6	11,6	9,10
12.	1954	56,8	224	125	98,2	39,4	17,8	9,93	7,50
13.	1955	39,1	256	91,6	67,5	30,9	10,4	7,50	5,60
14.	1956	39,8	176	97,6	71,2	24,6	9,65	7,42	6,50
15.	1957	31,5	167	78,8	45,4	20,3	12,0	7,06	6,30
16.	1958	56,9	486	139	97,2	35,5	15,0	11,6	9,00
17.	1959	48,4	267	116	83,3	34,6	12,1	9,99	8,63
18.	1960	48,9	208	132	85,2	26,6	14,3	9,56	8,70
19.	1961	36,1	192	84,5	60,8	25,5	11,0	9,10	7,50
20.	1962	37,8	155	92,0	62,1	26,2	13,8	9,65	7,84
	Ўртacha	45,3	240	108	78,1	26,6	13,8	9,86	8,32

1.12 – жадвалдаги натижалардан фойдаланиб Варзоб (Дагана қишил) дарёсининг суткали сув сарфларининг таъминланиш эгри чизигини тузамиз.

1.12 жадвалдан кўриниб турибдики, 5 – 9 устунларда сув сарфларининг турли таъминланишидаги қийматлари келтирилган. Масалан, 1943 йилдаги кундалик сув сарфлари камайиш тартибида жойлаштирилиб. Юқоридан энг катта қийматидан бошлаб 30 чисида сув сарфи 125 м<sup>3</sup>/с ни, 90 чисида 90,0 м<sup>3</sup>/с ни ва ҳ.к. ташкил қиласди.

Тақсимланиш эгри чизигини чизиш учун характерли сув сарфларининг ўртача кўп йиллик қийматларини оқим меъёрига ( $Q_0$ ) нисбатан улушини ҳисоблаб, натижасини 1.13 – жадвалга ёзамиш.

Шундай қилиб, Варзоб (Дагана қишлоғында) дарёсининг оқим мөхёри  $45,3 \text{ м}^3/\text{с}$  га тенг. Олинган 20 йиллик давр учун сув сарфларининг ўртаса максимал қиймати  $240 \text{ м}^3/\text{с}$  ни тапкил қиласы. Бу қийматни мөндерге нисбати  $K = \frac{240}{45,3} = 5,30$ .

1.13 – жадвал.

### Варзоб (Дагана қишлоғында) дарёсининг характерлық сувсарфлари

Сув сарфлари	Максимал қиймат		п күнлар мобайнида таъминланган сув сарфлари					Минимал қиймат	
	Энг кичик	Үрт. күп йиллик	n=30	n=90	n=180	n=270	n=355	Энг кичик	Үрт. күп йиллик
$Q, \text{ м}^3/\text{с}$	486	240	108	78,1	26,6	13,8	9,86	5,60	8,32
$\% \text{ да}$	10,7	5,30	2,38	1,62	0,59	0,30	0,22	0,12	0,18

1 – расмда 1.13 – жадвалданға рақамлар асосида суткали сув сарфларининг таъминланиши эгри чизигини изилдегін.

Гидрологик маълумотлар бўлмаганда суткали сув сарфларининг ўртаса таъминланганлик эгри чизигини тузиш.

Гидрологик ўрганилмаган дарёлар сув сарфларининг суткали таъминланиши эгри чизигини аниқлаштиручи учун ўрганилган ўхшашиб дарё маълумотларидан фойдаланилади.


Гидрологик маълумотлари бўлмаган Варзоб – Гушари қишлоғында дарёси бўйича сув сарфларининг суткали таъминланиши эгри чизигини аниқлаштириб чиқайлик. Дарёning ҳавза майдони  $F=791 \text{ км}^2$ .

Ўхшашиб створ тартибасида гидрологик жиҳатдан яхши ўрганилган Варзоб – Дагана қишлоғында створини оламиш. Бу дарёning ҳавза майдони  $F = 1270 \text{ км}^2$ , оқим модули  $38,3 \text{ л/сек} \text{ или } \text{м}^3/\text{сек}$ .

Варзоб – қ. Гушари дарёси бўйича суткали таъминланиши эгри чизигини чизиш учун қуйидаги ҳисоб сабаби борилади (1.14 жадвал.) Ўртаса ќўп йиллик сув сарфи

$$Q_0 = M_0 \cdot F / 10^3 = \frac{38,3 \cdot 791}{10^3} = 30,3 \text{ м}^3/\text{сек.}$$

График залежності  $\sigma$  від  $\theta$  за даними  $(1943-1952)$ .  
 Сумарні згуби від супутників на землю.



загальні згуби від супутників,  $Q \cdot 10^3$ .

1.14 – жадвал.

Варзоб дарёси Дагана ва Гушари қишил. створлари бўйича характеристики сув сарфлари.

Пункт	Оқим ўлчам бирликлари	Ўртача таҳсилоти сув сарфлари Энг кичик ўрт. кўп йиллик	n кунлар мобайнида таъминланган сув сарфлари					Ўртача минимал сув сарфлари
			n=30	n=90	n=180	n=270	n=355	
Дагана қ.	$Q_0$ га нисбатан улушда	5,30	2,38	1,62	0,59	0,30	0,22	0,12
Гушари қ.	$Q$ , м <sup>3</sup> /с		72,1	49,1	17,9	9,1	6,67	3,64

Варзоб – Гушари қишил. бўйича сув сарфлари қийматлари қуийдагича аниқланади:

Масалан, 90 кунлик таъминланишдаги сув сарфи

$$Q_{90} = 30,3 \cdot 1,62 = 49,1 \text{ м}^3/\text{с},$$

$$Q_{30} = 30,3 \cdot 2,38 = 72,1 \text{ м}^3/\text{с},$$

Ва ҳ.к. йўл билан аниқланади.

Ҳисоблаш натижалари 1.14 – жадвалга ёзилади.

## 2 – амалий машғулот

### Тўлин сув даври оқими ва уни ҳисоблаш усуллари

Дарёларда кузатиладиган тўлин сув даври оқимини ҳисоблашнинг илмий ва амалий аҳамияти бекиёсdir. Чунки максимал сув сарфларининг энг катта қийматлари тўлин ва тошқин сув дарларига тўғри келади. Гидрологиядан бизга маълумки, у ёки бу дарё ҳавзасининг табиий шароитига, шу билан тўйиниш манбаига қараб дарёларда тўлин сув даври пайтида йиллик оқимнинг 70 – 80 % оқиб ўтади.

Бизга маълумки, дарёларнинг сув тартибида қуийдаги даврлар кузатилади: тўлин сув даври, тошқин сув даври ва кам сувли давр.

**Тўлин сув даври** деб, дарё ҳавзаларида қор ва музликларнинг эриши натижасида дарёда сув сатҳининг

узоқ муддат давомида күтарилган ҳолда турин даврига айтилади. Дарёларда бундай ҳолат йилдан – йилга деярли бир вақтда қозатылади. Түлин сув даври қозатилиши вақтига қараб баҳорги, баҳор – ёзги ва ёзги бўлади.

Түлин сув даврининг асосий кўрсаткичлари қуидагилардан иборат:

1. Түлин сув даврининг бошланиши вақти  $t_b$ ;
2. Түлин сув даврининг давом этиш муддати  $t_t$ ;
3. Түлин сув даврининг тугаш вақти  $t_d$ ;
4. Түлин сув даврида қозатылган сув сарфининг максимал қиймати  $Q_{max}$ ;

5. Түлин сув даврида оқиб ўтган оқим ҳажми  $W_{\text{урт.т.с.д.}}$ .

Ушбу амалий машғулотнинг мақсади талабаларга түлин сув даврининг элементларини аниқлашни ўргатишдан иборат.

Ҳисоблашлар қуидаги ҳолатлар учун олиб борилади:

1. Гидрологик маълумотлар бўлганда түлин сув даври элементлари аниқланади;
2. Гидрологик маълумотлар бўлмагандан түлин сув даври элементлари аниқланади;

## **2.1 – топшириқ. Гидрологик маълумотлар бўлганда түлин сув даври элементларини ҳисоблаш**

**I. Берилган:** Варзоб дарёси Дагана қ. гидропости учун – 1961, 1962, 1963 йиллар бўйича кундалик сув сарфлари

### **II. Талаб қилинади:**

1. Варзоб (қишлоғи Дагана) дарёси учун түлин сув даврининг ўртача кўп йиллик бошланиши санасини аниқлаш.
  2. Түлин сув даврининг кўп йил учун ўртача туташ санасини аниқлаш.
  3. Варзоб (қ. Дагана) дарёси түлин сув даврининг давом этиш вақти (кунларда) аниқлаш.
  4. Варзоб (қ. Дагана) дарёсининг түлин сув даврининг оқим ҳажмини ҳисоблаш.
5. Варзоб (қ. Дагана) дарёси түлин сув даврида муайян максимал сув сарфи ва қозатылган санаси.

### **Топшириқни бажариш тартиби.**

Ўрганилган дарё қилиб Варзоб дарёси Дагана қишлоғи пости олинган эди. Ушбу дарёning ҳавза майдони  $F=1270 \text{ km}^2$ ,

оқим меъёри  $Q_o=46.1 \text{ м}^3/\text{с}$ . Ҳавзанинг ўртача баландлиги  $H_{\text{урт.}}=2680 \text{ м}$ . Тўлин сув даври элементларини аниқлаш учун кузатилган давр учун гидрографлар чизилади (2 – расм).

Мисол тариқасида Варзоб (қ. Дагана) дарёси учун – 1961, 1962, 1963 йиллар бўйича кундалик сув сарфларини ийлномадан кўчириб, гидрографлар чизилади (2.1. – жадвал);

Тўлин сув даврининг бошланиши санасини гидрографлар ёрдамида аниқлашади қўйидағи ҳолатлар кўзда тутилади.

а) тўлин сув даврининг бошланишида суткалараро тебраниши кузатилади; б) ҳавонинг ҳарорати ва сув сарфлари орасидаги боғланиш  $Q = f(t^0x)$  тикланади.

Тўлин сув даврининг тугаш санасини аниқлашга келадиган бўлсак:

а) ҳаво ҳароратининг ўртача суткалик қийматининг  $0^0$  дан манфий қийматта ўтган санаси белгиланади; б) дарё сувларининг тўлқинланиши камайиб, равон оқимга ўтади ва ҳ.к.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда уч йил учун тўлин сув даврининг бошланиши ва туташи саналари белгиланади (гидрографларга қараб). Сув дарининг ўртача кўп йиллик бошланиши ва туташи саналарини ва шу билан боғлиқ ҳолда давом этиш муддатини (кунларда) аниқлаймиз (2.2., 2.3. – жадвал).

### 2.1. – жадвал

Кундалик сув сарфи жадвали Варзоб – қ.Дагана, 1961.

ой кун	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1.	10,1	11,3	9,50	35,6	66,6	103	83,0	57,9	32,0	18,4	11,4	10,6
2.	9,50	11,3	9,50	45,3	75,5	108	83,0	63,7	32,7	18,4	11,4	11,4
3.	9,50	10,7	10,1	42,5	83,0	108	83,0	74,3	32,7	17,8	11,0	11,4
4.	9,50	9,50	11,3	38,9	90,7	107	81,5	47,3	33,3	16,6	11,0	11,0
5.	9,50	9,50	11,9	35,6	92,2	107	83,0	44,6	29,4	16,6	11,0	11,0
6.	9,50	8,70	10,1	32,4	93,8	107	80,0	41,9	28,1	16,1	11,0	10,6
7.	9,50	8,70	10,1	30,2	90,7	107	75,5	41,9	29,4	16,1	11,0	10,6
8.	9,50	8,70	10,7	30,2	89,2	107	74,0	41,9	29,4	15,5	11,0	10,1
9.	9,50	8,70	11,3	30,2	93,8	93,8	69,5	44,6	29,4	16,5	11,0	10,1
10.	9,50	8,70	13,7	30,7	93,8	77,0	66,6	64,8	28,1	14,9	10,6	10,1
11.	9,50	8,70	13,1	56,4	93,8	72,5	62,2	57,4	28,1	14,3	10,6	10,1
12.	9,10	8,70	13,1	48,0	83,0	69,5	62,2	51,8	27,4	14,3	11,6	9,65

13.	9,10	8,70	13,1	45,3	83,0	68,0	66,6	45,7	26,8	13,7	14,3	9,55
14.	9,10	9,50	18,6	43,9	81,5	68,0	68,0	39,6	26,2	13,7	12,8	9,55
15.	9,10	8,70	27,7	43,9	77,0	69,5	72,5	40,1	26,2	13,7	12,4	11,1
16.	9,50	8,30	27,7	48,0	78,5	72,5	72,5	40,6	25,5	13,7	12,4	11,0
17.	10,1	9,10	31,3	81,0	84,5	75,5	69,5	41,1	24,3	13,2	12,4	11,1
18.	10,1	9,10	27,7	68,0	90,7	80,0	62,5	41,6	22,6	13,2	11,9	9,20
19.	10,1	9,50	27,7	56,4	92,2	81,5	62,2	42,1	23,1	12,8	11,9	9,20
20.	9,50	9,50	25,5	52,2	90,7	78,5	57,9	42,6	23,1	12,8	11,9	11,1
21.	9,10	9,50	20,5	49,4	102	74,0	60,8	41,6	22,0	12,8	11,4	11,1
22.	9,50	9,50	20,5	48,0	92,2	72,85	60,8	42,1	22,6	12,8	11,4	11,1
23.	13,1	9,10	21,2	46,7	86,0	69,5	62,2	44,1	23,1	12,4	11,0	8,36
24.	13,7	9,10	21,8	48,0	80,0	66,6	62,2	46,6	23,1	12,4	11,4	11,4
25.	12,5	9,10	21,8	50,8	77,0	71,0	59,4	41,0	22,6	13,7	13,2	11,9
26.	11,9	9,10	20,0	52,2	81,5	78,5	59,4	42,7	21,4	12,8	13,2	11,4
27.	10,7	9,10	28,5	56,4	80,0	81,5	59,4	38,7	21,4	11,4	11,9	11,0
28.	10,1	9,10	30,2	60,8	84,5	84,5	60,8	43,5	20,8	11,9	11,0	11,9
29.	10,1		35,5	63,7	81,2	84,5	60,8	36,1	20,2	11,4	11,0	11,6
30.	10,7		34,6	63,7	93,8	84,5	59,4	33,8	19,0	11,4	10,6	11,0
31.	10,3		34,6		98,4		60,8	32,9		11,4		11,0
Үрт.	10,1	9,29	20,2	48,0	86,7	84,3	67,9	45,4	25,8	14,0	11,6	11,4
Max	14,3	11,9	41,1	93,8	114	117	90,7	192	35,7	19,0	16,1	12,4
Min	8,70	8,30	9,10	28,5	60,8	63,7	53,6	32,9	18,4	11,0	10,1	7,50

Үрт.йил 36,1; Max - 192 2/VIII; Min 7,50 – 22,23/XII

## 2.2. – жадвал

Кундалик сув сарфи Варзоб – қ. Дагана 1962 й.

Ой Күн	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1.	11,0	9,65	14,9	30,7	112	65,3	96,5	58,9	33,8	19,7	13,8	11,0
2.	11,0	9,65	17,2	27,4	87,5	60,5	94,2	54,1	34,8	19,1	13,8	11,0
3.	10,6	9,65	18,4	26,8	79,6	62,1	87,5	55,7	34,8	18,4	13,8	11,0
4.	10,1	9,65	17,2	26,2	70,4	65,3	101	51,3	34,8	17,8	13,8	11,0
5.	10,1	10,6	15,5	27,4	65,3	68,5	106	57,3	34,8	17,2	13,8	11,0
6.	10,1	11,0	16,1	26,8	63,7	77,8	101	54,1	33,8	16,6	14,1	11,0
7.	10,1	410,1	14,9	32,9	62,1	89,8	103	52,5	30,7	16,0	13,8	11,0
8.	10,1	12,4	14,9	31,4	62,1	92,0	94,2	52,5	30,0	15,4	13,8	11,0
9.	10,1	12,8	14,9	30,0	66,9	87,5	92,0	52,5	30,0	15,4	13,4	11,2
10.	10,4	12,4	16,1	28,1	93,7	98,5	85,2	51,4	30,0	15,4	13,4	11,4
11.	10,6	12,4	16,1	28,8	93,7	106	83,3	50,2	28,8	15,4	13,8	11,1
12.	10,1	11,4	17,2	28,1	75,9	115	83,3	49,1	28,8	20,4	17,8	11,1
13.	10,1	11,4	24,3	28,1	75,9	103	83,3	49,1	28,8	17,2	16,5	11,4
14.	8,86	11,4	22,6	28,8	63,7	101	87,5	45,7	28,8	15,9	15,0	13,2
15.	8,86	11,9	22,6	26,8	58,9	72,2	99,0	44,6	28,1	15,4	15,4	13,0

16.	11,0	11,9	22,6	26,2	52,5	77,8	92,0	43,6	28,1	15,0	15,4	13,2
17.	10,1	11,8	23,1	26,8	54,1	92,0	87,5	44,6	28,2	15,0	15,0	13,2
18.	10,1	12,8	23,7	32,0	52,5	110	85,2	44,6	27,6	14,6	14,6	13,2
19.	9,65	12,4	25,5	63,7	57,3	115	81,4	42,3	27,0	14,6	14,1	13,2
20.	9,65	11,9	26,2	54,1	63,7	108	77,8	42,3	26,4	14,6	14,1	13,2
21.	8,52	12,8	26,2	43,5	68,5	115	75,9	40,3	25,8	14,6	13,8	13,2
22.	9,10	13,2	26,8	42,3	70,4	115	74,0	38,4	23,1	14,6	13,4	13,4
23.	9,65	19,0	26,2	66,9	70,4	112	75,9	38,4	24,5	14,6	13,4	13,4
24.	9,65	17,2	28,8	75,9	98,8	112	74,0	38,4	23,9	14,6	13,4	13,4
25.	9,20	16,6	26,8	773,8	90,5	110	74,0	39,4	23,3	15,0	13,2	14,1
26.	8,86	16,12	25,5	117	81,4	96,5	74,0	38,4	22,7	15,0	13,2	13,2
27.	8,86	16,5	26,2	79,6	68,5	98,8	74,0	38,4	22,1	14,6	13,2	13,4
28.	9,20	14,9	27,4	72,2	68,5	98,8	63,7	36,6	21,5	14,1	13,0	13,2
29.	9,65		30,0	79,6	66,3	103	63,7	36,6	20,9	14,1	13,0	13,4
30.	9,65		32,9	92,0	63,7	101	60,5	37,5	20,3	14,1	13,0	13,4
31	9,65		31,4		66,9		60,5	34,8		14,1	13,0	13,4
Үрт.	9,86	12,6	22,3	45,9	68,9	94,3	83,2	45,8	28,0	15,8	14,1	13,3
Max	12,4	19,6	35,7	150	137	155	110	66,9	40,3	24,8	24,8	15,4
Min	7,84	8,52	14,9	25,5	49,1	55,7	49,1	34,8	20,3	13,8	12,6	12,6

Үрт. йил 37,8; Max — 155 12/VI; Min 7,84 — 15/I

### 2.3. — жадвал

Кундалик сув сарфи Варзоб — қ. Дағана 1963 й.

Ой Күн	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1.	13,4	13,2	26,8	44,6	82,4	157	104	62,1	37,2	18,7	14,3	13,1
2.	13,4	13,2	35,4	54,0	86,0	126	92,0	58,0	37,2	18,7	13,7	13,1
3.	13,4	14,1	30,4	51,7	88,0	115	92,0	58,0	35,2	17,9	18,7	12,6
4.	13,4	14,1	35,4	49,3	93,9	119	86,5	53,9	34,2	17,9	15,0	12,6
5.	13,4	14,6	30,4	43,5	171	126	86,5	53,9	33,2	17,1	17,9	13,1
6.	13,8	13,8	25,9	41,2	92,0	128	113	55,3	32,3	17,1	23,5	15,0
7.	13,4	13,8	25,0	41,2	72,9	131	106	53,9	33,2	17,1	17,9	15,6
8.	13,4	13,8	25,0	42,3	77,6	128	102	53,9	33,2	17,1	15,6	14,3
9.	13,4	13,4	22,6	43,5	77,6	131	102	53,9	32,3	17,1	15,0	14,3
10.	13,4	13,8	21,1	47,0	77,6	131	97,5	55,3	30,4	16,4	13,7	13,7
11.	13,2	13,2	20,4	55,4	72,9	126	92,0	53,9	31,4	15,6	14,3	15,6
12.	13,2	13,0	20,4	62,3	71,4	126	86,5	52,5	29,5	15,6	14,3	15,6
